O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

2020-yil
1-oktabr
payshanba

№ 35 (4473)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

*Қадри билинади энди менга гоҳ,*
*Оддий мактабимнинг ўша беҳашам,*
*Навоий-ку бизга устоздир бироқ,*
*Кимдир ўқитган-ку Алишерни ҳам,*
*Шундай буюк зотга ҳарф ўргатган ким?*
*Оддий муаллим-да, оддий муаллим!*

*Тупроқдай хокисор безовта жонлар,*
*Аммо қаноатда тоғдек улуғвор.*
*Ҳатто Темурдайин соҳибқиронлар,*
*Пирим деб этагин тутган зотлар бор.*
*Қайсар жаҳонгирга йўл кўрсатган ким,*
*Оддий муаллим-да, оддий муаллим!*

*Аяган ҳаётнинг санчиқларидан,*
*Йиқилса кўтарган тўсиқларидан,*
*Отадек эзилган ғуссага ботса,*
*Боладек қувонган ютуқларидан.*
*Уйқуда шогирдин ўйлаб ётган ким?*
*Оддий муаллим-да, оддий муаллим!*

**Муҳаммад ЮСУФ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**







## Бугунги сонда

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ХАЛҚАРО СИЁСАТНИНГ ТАШАББУСКОР ВА ФАОЛ СУБЪЕКТИ**



3

**ИНИЦИАТИВЫ, ПРИЗНАВАЕМЫЕ МИРОМ**



7



17

Раҳматжон ҚУРБОНОВ:
**МЕН БИЛГАН «ЛАЗГИ» БИТТА**

ҲАМКОРЛИК

# ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТГА ЭГА БЎЛДИ

**Жорий йилнинг 23 сентябрь куни Ички ишлар вазирлигида Эксперт-криминалистика бош марказига гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддаларнинг суд-экспертизаси бўйича халқаро мувофиқлик сертификатини (ISO/IEC 17025:2019) топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.**








Тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Наркотик ва жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги (Тошкент шаҳри) минтақавий вакили А. Миттал хоним, ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти бошлиғи ўринбосари, подполковник О. Қулбеков, Эксперт-криминалистика бош маркази бошлиғи, подполковник С. Нуриддинов ва Халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, капитан Н. Маҳмудов иштирок этди.

«Эксперт-криминалистика лабораториялари томонидан ўтказиладиган таҳлилларнинг сифати ва натижалари одил судлов тизими, кенг маънода ҳуқуқни муҳофаза қилиш, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш ва соғлиқни сақлаш сиёсатини юритиш борасида жуда муҳимдир», дея таъкидлади А. Миттал хоним.

Мазкур халқаро сертификат Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош марказининг суд-экспертиза ўтказиш фаолияти халқаро стандартга мувофиқ тўғри йўлга қўйилганини тасдиқлайди. Бундан ташқари, келгусида ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳамкорлигининг, аҳоли ва хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот органларига бўлган ишончининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Шунингдек, келгусида тадқиқот жараёнида халқаро тан олинган илмий-техник ёндашувлар ва услублари қўлланилишини, инсон омили минимал даражада камайтирилишини, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши бўйича трансчегаравий жиноятларга қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг халқаро миқёсда обрўси ошишини ҳамда ушбу йўналишда ўтказилган экспертиза хулосалари халқаро миқёсда тан олинишини таъминлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази фаолиятининг суд-экспертизаси йўналиши ILAC ва IAF халқаро ташкилотларига тўлақонли аъзо бўлган Қозоғистоннинг «Аккредитация миллий маркази» томонидан ўрганилди. Ўрганиш натижасида ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази республикамизнинг суд-экспертиза ташкилотлари ичида биринчилардан бўлиб «Синов ва калибрлашга оид лабораториялар компетентлигига қўйиладиган умумий талаблар»га мос келиши бўйича ISO/IEC 17025:2019 халқаро сифат стандартига мувофиқ деб баҳоланди ва халқаро реестрга киритилди.

Тадбирда Ашита Миттал хоним ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази бошлиғига ISO/IEC 17025:2019 халқаро сифат стандартига мувофиқлиги бўйича халқаро Аккредитация сертификатини топширди. Тадбир якунида А. Миттал хонимга Ички ишлар вазирлигининг эсдалик совғалари, шунингдек, ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази фаолиятини ISO/IEC 17025:2019 халқаро сифат стандарти бўйича аккредитациядан муваффақиятли ўтказишда фаол иштирок этган ходимларга Ички ишлар вазирининг буйруғига асосан мукофотлар топширилди.

**Шуҳрат ЮЛДАШЕВ,**
**ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник.**

АНЖУМАН

# СЕНИНГ ҲУҚУҚИНГ – СЕНИНГ КЕЛАЖАГИНГ

**Бугун юртимизда кўп йўналишларда таълим жараёнлари онлайн тарзда олиб борилмоқда. Қувонарлиси, ёшлар машғулотларда билим ва кўникмаларини ошириш баробарида, онлайн шаклидаги мусобақа, танлов, олимпиада ва конференцияларда ўз имкониятларини синовдан ўтказмоқда.**




ИИВ Сирдарё академик лицейининг ташаббуси билан ташкил этилган «Сенинг ҳуқуқинг – сенинг келажагинг» Республика онлайн конференцияси бунинг ёрқин исботидир.

Анжуманнинг асосий мақсади ёшларнинг ҳуқуқий онгги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқий тарбияни шакллантириш ва ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштиришдан иборат. Ушбу лойиҳада кузатувчи сифатида ИИВ 1-сонли Тошкент академик лицейи тарих фани ўқитувчиси Бахтиёр Мирзаев, ИИВ Сирдарё академик лицейи ўқитувчиси Нодира Султонназарова, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар Парламенти раиси Жамшид Бабаев иштирок этди.

– 250 нафар ёш иштирокчилар қаторида эканимдан хурсандман, – дейди ИИВ Сирдарё академик лицейи ўқувчиси Моҳичеҳра Хурсанова. – Бир ҳафта давом этган конференцияда фаол қатнашдим. Мавзуга оид хориж тажрибаси билан танишиб, муҳокама қилдик. Ҳар бир йўналиш бўйича «Ҳуқуқий билимлар чархи» интеллектуал ўйинида билимларимизни синаб кўрдик. Зоом платформасида ўтказилган маҳорат дарслари ва учрашувлар жуда қизиқарли бўлди.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишларни тизимли ва узвий олиб боришни талаб этади. Бунда оила, маҳалла ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини таъминлаш, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш жоиз. Ҳар бир шахсда қонунларга ва одобахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш даркор. Айниқса, шижоатли, изланувчан ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда «Сенинг ҳуқуқинг – сенинг келажагинг» сингари лойиҳалар айни муддаодир.

**Ўз мухбиримиз.**

МУНОСАБАТ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ХАЛҚАРО СИЁСАТНИНГ ТАШАББУСКОР ВА ФАОЛ СУБЪЕКТИ



**Бугун халқаро сиёсатда «Янги Ўзбекистон» тушунчаси тез ўзгараётган дунёга интеграциялашиб бораётган ташаббускор мустақил давлат ифодаси сифатида қўлланилмоқда. Янги Ўзбекистон – мамлакатимизда амалга оширилаётган халқчил, демократик сиёсат ва амалиётнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишидир.**

Шак-шубҳасиз, Ўзбекистоннинг обрўси халқаро миқёсда кундан-кунга юксалиб бормоқда. Бунинг биринчи сабаби халқ ва жамият ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланаётгани, давлат идоралари халқ манфаатлари йўлида хизмат қилаётгани бўлса, иккинчиси, ўзаро манфаат ва тенг ҳуқуқлиликка асосланган фаол ва ташаббускор ташқи сиёсатдир.



Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистон халқаро майдонга халқаро сиёсат ва ҳуқуқнинг фаол ва ташаббускор субъекти сифатида чиқмоқда. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 12 сентябрдаги 72-сессиясида илк бор қилган маърузасида ўта муҳим ташаббуслар илгари сурилган эди.

Бугунга келиб ушбу ташаббусларнинг барчаси ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани Ўзбекистон ташқи сиёсатининг катта ютуғидир. Жорий йилнинг 23 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг навбатдаги ташаббуслари билан яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг ҳурмати ва эътирофига сазовор бўлди.

Хўш, Ўзбекистон Президентининг маърузаси қандай тарихий аҳамиятга эга? Энг аввало, у БМТнинг юксак минбаридан туриб, ушбу ташкилотнинг расмий тилларидан бирида эмас, балки ўзбек тилида илк бор онлайн шаклда амалга оширилди. Она тилимиз биринчи марта жаҳон халқларининг вакиллари олдида янгради. Бу аждодларимизнинг асрий орзуси эди. Маъруза ўзбек халқига садоқат, она тилига ҳурмат ва маънавий жасорат тимсоли бўлди.

Президентимизнинг маърузаси Ўзбекистондан ташқарида яшаётган ўзбекларнинг ҳам қалбларини қувончга тўлдирди, уларнинг Ватанимиз келажагига ишончини янада оширди. Шу ўринда Афғонистон вице-президенти маршал Абдурашид Дўстумнинг: «БМТ тарихида илк маротаба мустақил Ўзбекистон раҳбари ўзбек тилида нутқ сўзлади. Мен бундан шахсан ўзим ўзбек ўғлони ва афғонистонлик ўзбекларнинг раҳбари сифатида фахрланаман. Бу биз учун юксак ифтихордир», – деган сўзларини келтириб ўтиш жоиздир.

Маърузанинг тарихий аҳамиятини белгиловчи яна бир хусусияти, унда тарихий мазмун ва амалий аҳамиятга эга қуйидаги ташаббуслар илгари сурилганидадир:

- пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш;
- барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентларнинг ролини ошириш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш;
- БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш;
- Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш;
- БМТ ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган доимий фаолият кўрсатувчи қўмита ташкил этиш.

Шунингдек, маърузада БМТнинг Глобал антитеррор стратегияси доирасидаги минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференция, «Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида» мавзуида халқаро форум, қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши кураш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг глобал саммитини ўтказиш ташаббуслари илгари сурилди.

Мазкур ташаббусларнинг деярли барчаси халқаро сиёсатнинг глобал муаммолари ечимини излашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис давлатимиз раҳбарининг маърузаси халқаро ҳамжамият томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. Жумладан, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси Хелена Фрейзер «Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳамкорлик бўйича ташаббуслари БМТ мақсадлари билан ҳамоҳанг» эканлигини эътироф этди.

Европа истиқбол ва хавфсизликни ўрганиш институтининг президенти Эммануэль Дюпюи эса ушбу ташаббусларга юксак баҳо бериб: «Афғонистондаги француз кучлари қўшма бўлинмаси собиқ сиёсий маслаҳатчиси сифатида Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича халқаро ҳамкорликнинг янги шаклини яратиш ташаббуси – БМТ ҳузурида доимий қўмита тузиш масаласи муҳим деб ҳисоблайман... Янги шакл, шубҳасиз, афғон муаммосини ҳал қилиш учун қулай шароит яратади», – деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, Афғонистонда қирқ йилдан буён нотинчлик, беқарорлик ҳукм сурмоқда. Халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари кутилган натижани бермаяпти. Бу эса халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон бўйича тутган позициясига ўзгартиш киритиш лозимлигини англатади. Президентимиз бу борада «Беқарор ва вайронкор вазиятдан – тинчлик ва бунёдкорлик сари» принципи асосида иш олиб боришни таклиф этмоқда. Ушбу принцип Афғонистон муаммосини тинч, сиёсий ва ижтимоий-гуманитар ёрдам ҳамда жаҳон иқтисодиётига интеграциялаш орқали ҳал қилишни талаб этади.

Янги Ўзбекистоннинг Афғонистон йўналишидаги ташқи сиёсати ана шу принцип асосида олиб борилмоқда. Масалан, Мозори Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл қурилиши каби йирик инфратузилма лойиҳалари ишга туширилмоқда. Бундай лойиҳалар орқали Афғонистонга тинчлик ва иқтисодий барқарорлик олиб кирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида билдирган ташаббуслари Янги Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат ва ҳуқуқнинг фаол субъекти сифатидаги нуфузини янада оширади. Дунё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатига ишончи янада юксалишига хизмат қилади.

**Шавкат МАМАДАЛИЕВ,**
**ИИВ академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети бошлиғи, профессор, полковник.**

ИСЛОҲОТ ИНСОН УЧУН

## «АЗАЛИЙ ОРЗУИМ АМАЛГА ОШДИ»

### дейди Қарши шаҳрида яшовчи фуқаро Мавжуда Қаҳҳорова

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг туб моҳияти инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини устувор даражага кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Юртбошимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббус ва илғор ғоялар бунга асос бўлиб хизмат қилмоқда.**

...1974 йили Тожикистонда туғилган Мавжуда Қаҳҳорова 1993 йилда доимий яшаш учун Қарши шаҳрига кўчиб келади. Шу йили доимий рўйхатдан ўтади. 1999 йили эса вилоят ИИБ томонидан унга фуқаролиги бўлмаган шахс сифатида Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси расмийлаштирилади.



Мавжуда опа жорий йилнинг 28 май куни Қарши шаҳар ИИОФМБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш мақсадида мурожаат этади. Мурожаат «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 6-моддаси 1-қисмига асосан кўриб чиқилди. ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси хулосаси асосида унга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспорти расмийлаштириб берилди.

– Азалий орзуим амалга ошди, – дейди кўзида севинч ёшлари билан Мавжуда опа. – Бунинг учун ҳар бир фуқаронинг дарди билан яшаётган Юртбошимиздан бутун умр миннатдорман.

Бундай имкониятдан Махсуда Товошорова, Раъно Ахтамова, Саодат Каримовалар ҳам баҳраманд бўлиб, юртимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилишга ваъда бердилар.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

# ИГНА БИЛАН ҚАЗИЛГАН ҚУДУҚ



**Жамиятда ўз ўрнига эга аёлларимиз талайгина. Улар орасида бир неча йиллар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда масъул лавозимларда фаолият юритган, ҳозирда ИИВ академиясида ёшларга билим бериб келаётган, юридик фанлар доктори, профессор Мавжуда Ражабова ҳам бор. Ҳуқуқшунос олима билан ҳаёт сабоқлари, илм олами ва аёлларнинг жамиятда тутган ўрни каби масалаларда суҳбатлашдик.**

*Мавжуда Ражабова 1955 йилда Бухоро вилояти Шофиркон туманида таваллуд топган. 1978 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. 1979–1986 йилларда Бухоро вилояти прокуратура органларида ишлаган. 1986–2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида фаолият юритган. 2000–2005 йилларда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суди раиси. 2005–2010 йилларда Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, 2010–2015 йилларда Сенат раиси ўринбосари. 2015 йилдан ИИВ академияси жиноят процесси кафедраси профессори.*

**– Бирор бир касбни танлашда кимдир ёки нимадир сабаб бўлади. Сизнинг ҳуқуқшунослик касбини танлашингизга нима туртки бўлган?**

– Ҳуқуқшунослик соҳасини эгаллашимга отам Абдулла Ражабов сабабчи бўлган. 1973 йилда ҳужжат топшириш учун отам билан Тошкентга келганимизда, қишлоқда яшаб катта бўлганим, далада ишлаш мен учун маъқул кўрингани учун қишлоқ хўжалиги йўналишида ўқийман, деб туриб олганман. Бундан ташқари, ўша пайтларда бир ёш агрономнинг фаоллиги ва ишчанлиги эътиборимни тортган. У тез орада жамоа хўжалиги раислигига тайинлангани менда ҳам раҳбар бўлиш иштиёқини уйғотган бўлса, не ажаб.

Отам ҳамқишлоғимиз, академик Иброҳим Мўминовдан маслаҳат сўраганда, у киши: «Қишлоғимиздан юрист чиқмаган, менга қолса, ҳужжатларини Тошкент давлат университетига топширинг. Мактабниям олтин медаль билан тамомлабди. Ажабмас, қизингиздан катта ҳуқуқшунос олима чиқса», деган. Хуллас, И. Мўминовнинг тавсияси билан ҳужжатларимни ҳозирги ЎзМУнинг ҳуқуқшунослик факультетига топширдим. Тақдирни қарангки, улар орзу қилганидек, юридик соҳанинг олимаси бўлиб элга танилдим.

**– Номзодлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини танлаш ва ҳимоя жараёнлари, машаққатлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз. Илмий тадқиқот билан шуғулланиш учун қандай жиҳатларга эга бўлиш керак?**

– Университетни аъло баҳолар билан тугатиб, прокуратура соҳасида ишлаб юрган кезларим, турмуш ўртоғим Шоназар Бердиев юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор Ғулом Аҳмедов раҳбарлигида изланишлар олиб бораётган эди. Мен ҳам қизиқиб, улар билан бирга устознинг хонадонига борар эдим ва муҳокамаларда қатнашардим...

1993 йилнинг куз фасли эди. Бош прокуратуранинг терговс бошқармасида катта прокурор лавозимида ишлар эдим. Устозим Ғ. Аҳмедов Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасида тадқиқотчи сифатида илмий изланиш олиб бориш таклифини айтиб қолди. Шундан сўнг «Шариатда жиноят ва жазо» мавзусини танлаб, номзодлик диссертациясини ёзишга киришганман. Лекин тегишли манбалар етарли эмаслиги боис диний ишлар бўйича идорадаги мутахассисларнинг, жумладан, устоз шайх Абдулазиз Мансурнинг ёрдами билан тадқиқот ишимни тайёрлаганман ва номзодлик диссертациясини ИИВ академиясида ҳимоя қилганман.

Докторлик диссертацияси мавзусини танлашимда ҳам устозим Ғ. Аҳмедовнинг хизматлари катта бўлган. «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари» мавзусидаги докторлик диссертациямни Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг раиси лавозимида ишлаганимда, судда кўрилган ишлар асосида тўплаган тажрибамга таяниб ёзганман. Уни ҳам ИИВ акемедиясининг Ихтисослаштирилган кенгашида ҳимоя қилдим. Бунда менга яқиндан ёрдам берган, қўллаб-қувватлаган ИИВ академияси бошлиғи, генерал-майор, юридик фанлар доктори, профессор Убайдулла Таджихановдан бир умр миннатдорман. Бундан ташқари, устозларим – академиклар Иброҳим Мўминов, Анвар Аъзамхўжаев, Шавкат Ўразаев, Ҳожиакбар Раҳмонқулов, фан арбоблари Ғулом Аҳмедов ва Шоназар Бердиевнинг хизматларини таъкидламасдан иложим йўқ. Афсуски, уларнинг кўпчилиги ҳозир орамизда йўқ, охиратлари обод бўлсин.

**– Устозларингиздан олган қайси маслаҳат ва ўгитлар сизга ҳамон асқатяпти? Ҳаётдаги принципларингиз?**

– Устозларимнинг «Илмий изланишлар олиб бориш нина билан қудуқ қазишдир», «Ўзинг танлаган мавзу юзасидан чуқур тадқиқотларни амалга оширмасдан, уни якунлашга уринма», «Билмаганингни бошқалардан сўраб ўрган», «Устозларнинг йўлидан бориш учун уларнинг илмий тадқиқотларини ўрган», «Ҳар бир олимнинг фикр-мулоҳазаларини рад этишдан олдин, у ёзган китобни охиригача ўрганишга одатлан», «Устознинг нафақат илмига, балки юксак ахлоқий фазилатларига ҳам эътибор беришинг керак» деган ўгитларини ҳар доим эслайман.

Ҳаётимда бешикдан то қабргача илм эгаллашдан тўхтамаслик, мендан ҳаракат – Яратгандан барокат, деган ақидага ишониб яшаш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш учун ор-номус, қадр-қимматга доғ туширмасдан, ҳалол-пок ва тўғри сўз бўлиш, ҳақиқат учун курашиш, адолатли ва холис бўлиш, тўплаган илмимни бошқаларга ўргатиш учун «устоз-шогирд» анъаналарига содиқ қолиш принципларига амал қилиб яшашга ҳаракат қилдим.

**– Олий Мажлис Сенатида масъул лавозимларда фаолият юритган инсон сифатида жамиятда аёлларнинг тутган ўрни хусусидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

– Қайси лавозимда ишламайин, демократияга таянган жамиятда, жумладан, Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятдаги ўрни жуда муҳим ҳамда салмоқли саналишини ўзимда ҳис қилганман. Шундан келиб чиқиб айтишим мумкинки, аёл раҳбарларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги фаолиятига эҳтиёж борган сари ошиб бормоқда.

Қувонарлиси, мамлакатимизда «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатнинг ҳар бир нормасини рўёбга чиқариш учун аёллар меҳнатини қадрлаш, уларга нисбатан ҳурмат-эътиборни оширишимиз зарур. Ахир, аёллар ишлаган жамоада вазифалар ўз пайтида белгиланган тартиб-таомиллар асосида амалга ошиши ҳеч кимга сир эмас.

**– Турмуш ўртоғингиз Шоназар Бердиев ҳам суд-ҳуқуқ тизимида масъулиятли лавозимларда ишлаган ҳуқуқшунос эди. Бундай оилавий муҳитда вояга етган фарзандлар сизнинг изингиздан боришдими?**

– Шоназар ака беназир олим эди. Гарчанд жиноят ҳуқуқи бўйича докторлик илмий даражасига эришган бўлса-да, амалиётда фуқаролик, кейинчалик эса хўжалик судининг раиси сифатида ишлаб тажриба орттирган. У киши юриспруденцияга оид барча илмларни эгаллашга ҳаракат қилиб яшади. Оилада эса қаттиққўл, талабчан, шу билан бирга, меҳрибон ота ҳамда бобо эди. Катта ўғлим Шоазиз юридик соҳа вакили, изимиздан бормоқда. Ўн йилга яқин прокуратура идораларида хизмат қилди. Ҳозирги кунда адвокат бўлиб ишламоқда. Иккинчи ўғлим Шоҳжаҳон олий маълумотли иқтисодчи, бугунги кунда ўзининг бизнес режаларини амалга ошириш билан банд.

**– Узоқ йиллик хизмат фаолиятингизда кўплаб шогирдлар етиштиргансиз. Бугунги кунда улардан кўнглингиз тўляптими?**

– Шогирдларимнинг ҳар бири илмга чанқоқ, тадқиқотларни ўзи танлаган юридик фан йўналишида пухта ва пишиқ, муҳими, юқори савияда амалга ошириб, олимлик даражасига эришди. Икки нафари фан доктори, икки нафари фан номзоди. Бир нафари эса фан доктори илмий даражасини олиш учун изланишларни давом эттирмоқда. Уч нафари Ўзбекистон халқаро ислом академиясида магистрлик даражасини қўлга киритган. Ҳуқуқшунос олимлар қаторида, шогирдларимнинг ҳам юридик фан ривожига муносиб ҳисса қўшишига ишонаман. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг ҳар бири, келажакда улкан дарахтга айланиб, яхши ҳосил беради, деган умиддаман.

**– Педагогик фаолиятингизда шу пайтгача тўплаган бой илмий ва амалий тажрибангиз қўл келаётгандир?**

– Албатта, суд-тергов амалиётида тўплаган тажриба ва улар асосида ёзган илмий ишларим ИИВ академиясининг жиноят процесси кафедрасида ишлашимда қўл келмоқда. Чунки жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидаги нормаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда амалиётдан аниқ мисоллар келтиришга тўғри келади. Курсантларимизнинг илм олишга чанқоқлиги уларнинг саволларидан, мазкур фан бўйича бир-биридан мукаммал, фикр-мулоҳазага ва таклифларга бой диплом ишларининг муҳокамасидан ҳам билиниб туради.

**– Ички ишлар органлари ходимларининг имижини ошириш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

– Ички ишлар органлари ходимларининг имижини, яъни халқнинг уларга бўлган ишончини янада ошириш учун, аввалambор, келгусида осойишталик посбони бўлиб етишадиган курсантларнинг пишиқ ва пухта илм олишини таъминлаш керак. Айниқса, соҳага тегишли қонунлардаги нормаларнинг мазмун-моҳиятини англаб, келгусида амалиётда қонунга риоя қилиш кўникмасини шакллантириш керак. Жумладан, ички ишлар органлари ходимларининг юксак одоб-ахлоқли бўлиши, коррупцияга қарши курашнинг олдинги сафида бориши, аҳоли билан бўладиган муносабатларда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш чораларини кўришда муроса-ю мадорали бўлиш талаб этилади.

**«Postda» мухбири
Сарвар СОБИРОВ суҳбатлашди.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# ИНСОН ОМИЛИ БИРИНЧИ ЎРИНДА

**Поп тумани учинчи секторига туман ИИБ бошлиғи, подполковник Санжар Абдуллаев раҳбарлик қилади. Унга ушбу ҳудуддаги 19 та маҳаллада истиқомат қилаётган 52 мингга яқин аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш вазифаси юклатилган.**



Карантин даврида аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир сектор раҳбари томонидан эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш дафтари («Темир дафтар») юритилиши белгиланган эди.

Поп туманининг 3-сектори бўйича маҳалла раислари ва депутатлар иштирокида уйма-уй юриб ўрганишлар натижасида 374 та хонадонда яшовчи 2 минг нафардан ортиқ фуқаро «Темир дафтар» га киритилиб, 16 та тадбиркор томонидан оталиққа олинди. Секторда «Саховат ва кўмак» умуммиллий ҳаракатининг 1-босқичида эҳтиёжманд инсонларга жами 163 миллион 816 минг сўмдан зиёд миқдорда ёрдам кўрсатилди. «Арт Софт Кластер» масъулияти чекланган жамият томонидан ушбу мақсад йўлида ажратилган 70 миллион сўмдан ортиқ нақд пул маблағи пандемия шароитида муҳтожликни ҳис қилган 900 дан зиёд аҳоли учун муҳим ёрдам бўлди. Бундан ташқари, моддий қийналган оилаларга 90 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Мазкур тадбирларнинг иккинчи босқичида бундай кўмак доирасида 163 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари икки мингдан ортиқ аҳолига етказиб берилди.

Шу кунга қадар кўплаб оилаларга ёрдам қўли чўзилиб, пандемия даврида ишсиз қолган, моддий қийинчиликка дуч келган инсонлар ўзларини тиклаб олишлари учун қулай шароитлар яратиб берилди. Масалан, «Эски Тўда» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи эҳтиёжманд фуқаро А. Норматованинг оиласига қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида сектор раҳбари томонидан 6 миллион сўмлик, «Обиҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи, I гуруҳ ногирони Г. Умарованинг оиласига эса 5 миллион 400 минг сўмлик қорамол беғараз тарзда берилди. Шунингдек, сектор ҳудудидаги «Чортоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 3 нафар фарзанди бор А. Тўйчибековнинг оиласига ҳам сигир ажратилди. «Пилол» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ў. Эргашеванинг оиласига эса икки бош қўй берилди. «Темир йўл» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Э. Жўраеванинг тўрт нафар фарзанди бор. Уларга ҳам сектор қарори билан икки бош қўй ажратилди.

**Шунингдек, камбағалликдан чиқариш дастури бўйича ҳам кенг кўламли ишлар бажарилди, десак, муболаға бўлмайди. Боиси, сектор раҳбари ташаббуси билан 28 та кам таъминланган оилага 1000 дона товуқ берилди. Халқ банки Поп тумани филиали ташаббуси билан эса, 12 та кам таъминланган оилага жами 800 дона парранда топширилди.**

Моддий жиҳатдан қийналаётган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар доирасида 670 нафар меҳнатга лаёқатли фуқаро ишга жойлаштирилди. Айтиш жоизки, бугунги кунга келиб, тумандаги 83 фоиз аҳоли иш билан таъминланди.

Бу каби хайрли ишлар замирида тинимсиз меҳнат ётганлигини асло унутмаслик лозим. Аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар ҳудуддаги криминоген вазият яхшиланишига, яъни жиноятчилик камайишига ҳам ижобий таъсир кўратиши шубҳасиздир.

**Азиза ЖОНИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

МУНОСАБАТ

# ҲАРАКАТИ ОЛҚИШГА ЛОЙИҚ

**Яқинда интернет тармоғида фарғоналик ЙПХ инспекторининг хизмат жараёни билан боғлиқ видеолавҳа кенг муҳокамага сабаб бўлди.**

Лавҳада шундай ҳолат акс этганди: ЙПХ инспектори «Дамас» русумли автомашинани тўхтатиб, ўзини таништиради. Ҳайдовчи билан тартиб-таомил бўйича суҳбатлашиб, нима сабабдан тўхтатганини тушунтиради. Ҳайдовчи эса унинг ишлашига халақит бериб, юқори лавозимдаги танишларига қўнғироқ қилмоқчи бўлади.

**– Кимга қўнғироқ қилиб берай, «начальник»ками?», – дея ходимга пўписа ҳам қилади. Кейин кимгадир қўнғироқ қилиб, «гаплашинг», деб инспекторга телефонни узатади. Аммо ўз касби ва қасамёдига содиқ қолган ЙПХ инспектори телефонда гаплашишни кескин рад этади.**

– Мен хизматдаман, ҳеч ким билан гаплашмайман, – дейди у қатъият билан.

Ушбу лавҳа ижтимоий тармоқларда кенг тарқалгач, аксарият фуқаролар ЙПХ инсекторининг хатти-ҳаракатини олқишлашди.

Биз ушбу инспектор билан яқиндан танишдик. У Фарғона вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ батальони 2-отряд 1-сафарбарлик гуруҳи инспектори, сафдор Муроджон Солиев экан.

– Хизмат фаолиятимиз жараёнида лавҳадаги «Дамас» ҳайдовчисига ўхшаш димоғдор ҳайдовчилар билан тез-тез рўбарў бўлиб турамиз, – дейди қаҳрамонимиз кулиб. – Лекин қонун барчага баробар. Белгиланган йўриқнома бўйича иш юритиш эса бизнинг бурчимиз. Кимдир қоидани буздими, бу учун жавоб бериши керак. Юқори лавозимда ишловчи танишларини ишга солиб, уларга қўнғироқ қилганларга мутлақо тоқат қилолмайман. Шундай йўл тутган ҳайдовчи, аввало, ўзини, қолаверса, ўша «танишлари»нинг обрўсини тўкади, холос. Яхшиси, йўлда қоидаларга амал қилиб ҳаракатланган маъқул. Шундай қилинса, ҳам турли йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олинади, ҳам ортиқча гап-сўзга ҳожат қолмайди.



Муроджон Солиев Фарғона вилоятининг Риштон туманида туғилиб ўсган. Ички ишлар органларидаги фаолиятини эса 2014 йилда бошлаган. 2019 йилда соҳавий хизмат ходимлари ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига ўтказилган танловда иштирок этиб, яхши натижага эришди ва ЙПХ инспектори сифатида хизматни бошлади.

Бугун ҳамкасблари ва устозлари қатъий тартиб-интизом билан хизмат қилаётган Муроджондан жуда хурсанд бўлишмоқда. Халқ эса уни олқишламоқда. Ниятимиз, у каби ходимлар сафи кенгаяверсин!

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Фарғона вилояти.*

**Суратда: Сафдор Муроджон СОЛИЕВ хизмат пайтида.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ҲАЗОРАСПНИНГ ФИДОЙИ ФАРЗАНДИ

**Ҳазорасп тумани ИИБ ҲПБ 176-ички ишлар органлари таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Умидбек Рўзметов ўзининг фидойилиги, касбига бўлган садоқати туфайли ҳаётда ҳам ўз ўрнини топди, халқнинг ҳурмат-эътиборига, эъзозига сазовор бўлди.**

Ушбу туманнинг Жувондур маҳалласида туғилиб ўсган Умидбек ота касбини давом эттириш ниятида ўша пайтдаги ИИВ ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабига ўқишга кирди. Бу ердаги қатъий тартиб-интизом, ўқув ва жанговар машғулотлар унинг ҳаётий кўникмаларини янада бойитди. Билим юртини муваффақиятли тамомлагач, Ҳазорасп тумани ИИБ ҲПБ профилактика инспектори лавозимида хизмат фаолиятини бошлади.

Унга бириктирилган тумандаги Бешта маҳалласи жиноят содир этилиши жиҳатидан анча «тилга тушган» ҳудудлардан бири эди. Бу, албатта, ёш профилактика инспекторига бироз қийинчилик туғдирди. Айниқса, ўғирлик, гиёҳвандлик, безорилик жиноятлари тез-тез содир этилаётган ҳудуд жиддий иш олиб боришни тақозо этарди. Шу боис устози, профилактика катта инспектори, майор Ойбек Раҳимовнинг насиҳатларига, йўл-йўриқларига амал қилган лейтенант У. Рўзметов ишни гиёҳвандлик ҳамда ичкиликка ружу қўйган фуқароларни мажбурий даволаш муассасасига жойлаштиришдан бошлади.



Майор Умидбек Рўзметов, «Шуҳрат» медали соҳиби

Сўнгра муқаддам судланган ҳамда жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан тез-тез суҳбатлашиб, профилактик тадбирлар олиб борди. Уларни ишга жойлаштиришга, ижтимоий фойдали меҳнат билан банд қилишга интилди. Маҳалла ҳудудида содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фош қилиш чораларини кўрди. Маҳалла фаоллари билан олиб борилган ҳамкорлик тез орада ижобий самарасини бера бошлади. Ҳудудда жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилиши йилдан-йилга камая борди.

Профилактика катта инспектори жорий йилнинг ўтган даври мобайнида майда безорилик, жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилиш, паспорт тизими ҳамда санитария-гигиена қоидаларига риоя этмаслик каби ҳуқуқбузарликлар содир этган 165 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирди. Муқаддам судланган уч нафар шахсга маъмурий назорат ўрнатиб, 5 нафар фуқаро маъмурий қамоққа олинди. Спиртли ичимликка ружу қўйган 5 нафар шахс вилоят наркология диспансерига ётқизилди. Ҳуқуқбузарлик содир қилишга мойил бўлган шахслар билан мунтазам равишда профилактик суҳбатлар олиб борилди. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда 4 та ёш оила ажралиб кетишдан сақлаб қолинди. Фуқароларнинг 67 та мурожаати ўз вақтида қонуний ҳал қилиниб, ижобий ечим топиши таъминланди. Ҳудудда кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлик самарали ташкил этилгани боис кўплаб ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олиниб ва жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

У. Рўзметов озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганлар билан ҳам кенг кўламдаги профилактик тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 3 сентябрь куни туман ИИБ пробация гуруҳи ҳисобида турган Қ. Артур суд томонидан тайинланган жазони ўташдан қасддан бош тортиб келаётгани учун унга белгиланган жазо турини озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш бўйича суд ажрими чиқарилди.

– Профилактика инспектори ҳузурига келган инсон борки, ундан нажот кутади, – дейди майор У. Рўзметов. – Шу боис унинг кўнглига қулоқ тутиб, ёрдам беришга, мушкулини осон қилишга ҳаракат қилмоғимиз керак. Ана шундагина маҳалладаги ҳамкорлик, бир-биримизга бўлган ишонч, муносабат янада мустаҳкамланади. Бунёдкорлик ва тадбиркорлик ривожланади...

Ўн икки йилдирки, халқ осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифада сидқидилдан хизмат қилаётган, самарали натижаларга эришаётган майор Умидбек Рўзметов жорий йилнинг ўтган саккиз ойи якунига кўра, вилоятдаги энг фаол профилактика инспектори сифатида эътироф этилди.

– Ҳар куни фарзандимни хизматга кузатар эканман, қалбимда ажиб туйғулар жунбушга келади, – дейди истеъфодаги подполковник Жонибек Рўзметов. – Ундаги ғайрат-шижоат, касбига бўлган интилишини кўриб, қалбим ғурур ва ифтихорга тўлади. Фарзандимнинг жамиятга,одамларга нафи тегаётганидан севинаман, хурсанд бўламан. Ота-она учун бундан-да улуғроқ бахт бўлмаса керак.

Яқинда юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги самарали хизматлари учун профилактика катта инспектори, майор Умидбек Рўзметов Президентимиз фармонига мувофиқ, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Хоразм вилояти.*

# БУРЧИГА СОДИҚ ЎҒЛОН

**Фаррух ўқувчилик йилларидаёқ ички ишлар органлари ходими бўлиш тўғрисида қатъий қарорга келиб қўйганди. Бунга кўз олдида рўй берган йўл-транспорт ҳодисаси сабаб бўлди...**

Ўшанда бекатда онаси билан зув-зув қатнаётган турли русумдаги автомашиналарга маҳлиё бўлиб ўтирган эди. Бирдан катта тезликдаги автомашина юк машинасига «калла солди» ва пачоқланиб кетди. Зудлик билан етиб келган йўл-патруль хизмати ходимлари пачоқланган автомашинадан ҳайдовчини чиқариб олишди. У ходимларнинг саъй-ҳаракати билан тирик қолди. Шу-шу ҳарбий либосли кишиларга меҳри уйғониб, юрт посбони бўлишга аҳд қилди.

Фаррух Бухоро юридик коллежини тугатиб, ҳужжатларини вилоят ИИБга топширди. Имтиҳон ва синовлардан муваффақиятли ўтгач, хизмат фаолиятини Ромитан тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлимида бошлади. Ўзининг изланувчанлиги, ҳар бир ишга виждонан ёндашуви, раҳбариятнинг топшириқларини сидқидилдан бажариши туфайли тез орада ҳамкасблари ўртасида обрў топди. Аммо унинг йўл-патруль хизматида ишлаш истаги сира тинчлик бермасди. Ички ишлар тизимида ислоҳотлар бошлангач, лавҳамиз қаҳрамони раҳбариятга ниятини билдирди. Орзуси амалга ошган Ф. Мирзоев 2014 йилдан бошлаб, вилоят ИИБ ЙҲХБ йўл-патруль хизмати инспектори вазифасида фаолият кўрсатяпти.



Албатта, янги жамоада ўз ўрнини топиши осон бўлмади. Бунда ўша пайтдаги 1-сафарбарлик гуруҳига командирлик қилган катта сержант Олим Худоёров яқиндан ёрдам берди. У ёш ходимга ўзининг бой ҳаётий ва касбий тажрибасини эринмай ўргатди. Шогирдини ёзнинг жазирамасида, қишнинг қаҳратонида ҳам сабр-қаноатли, чидамли бўлишга ўргатди.

Бугунга келиб Фаррухнинг ўзи ҳам устоз мақомига етишди. Ёш ходимлар унга томон интилишади. Чунки ҳеч қачон бошқалардан маслаҳатини, амалий ёрдамини аямайди. Катта сержант Феруз Каромов, сафдорлар Аброр Неков ва Шоҳрух Шобоев қийин вазиятларда ундан маслаҳат сўраб туришади.

Сафдор Фаррух Мирзоев йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, автомашиналар қатновини тўғри йўналтириш билан бирга, ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишларини назорат қилиб келяпти. Бундан ташқари, соҳавий хизматлар ҳамда Транспорт департаменти ходимлари ҳамкорлигида ўтказиладиган қўшма рейдларда, айниқса, ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчиларни аниқлашда, қоидабузар ҳайдовчиларнинг автомашиналарини жарима майдонларига жойлаштиришда фаол иштирок этяпти.





Сафдор Фаррух Мирзоев, «Шуҳрат» медали соҳиби

Юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида амалга оширилган саъй-ҳаракат, фидойилик билан қилинган хизмат ҳар доим ўзининг муносиб баҳосини олган. Сафдор Ф. Мирзоев ҳам Мустақиллигимизнинг йигирма тўққиз йиллиги байрами арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

– Инсон қандай ютуққа эришмасин, аввало, шунга мустаҳкам замин яратиб берган, муқаддас ва мўътабар гўша ҳақида ўйлаши керак. Бу, шубҳасиз, киндик қонимиз тўкилган, бизни ўз бағрида беками-кўст улғайтирган жондан азиз Ватандир, – дейди сафдор Фаррух Мирзоев. – Бугун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Албатта, бунинг қадрига етишимиз, уни кўз қорачиғидай асрашимиз керак. Бу дориламон кунларга осонлик билан эришилмаганлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Тинчлик ва осойишталик таъминланишида, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда менинг ҳам улушим борлигидан фахр ва ифтихор туяман. Юртбошимизнинг, вазирликнинг ишончини ўзимнинг садоқатли хизматим билан оқлайман.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Бухоро вилояти.*

# ИНИЦИАТИВЫ, ПРИЗНАВАЕМЫЕ МИРОМ




**Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на семьдесят пятой сессии Генеральной Ассамблеи ООН стало поистине знаковым событием. В условиях пандемии оно прошло в режиме онлайн.**

**Для нашей страны эта сессия особенно значима тем, что впервые речь Президента Узбекистана в ООН прозвучала на узбекском языке.**





В своем выступлении глава Узбекистана выдвинул ряд важнейших инициатив, имеющих большое историческое значение, охватывающих актуальные проблемы современности.

Обращаясь к представителям ООН, Шавкат Мирзиёев подчеркнул, что за последние сто лет не было планетарного бедствия такого масштаба, как нынешняя пандемия коронавируса, продемонстрировавшая уязвимость человечества перед подобными глобальными угрозами. «Сложная и напряженная ситуация доказала взаимосвязанность всех государств и народов мира, особую важность регулярного диалога, доверия и тесного сотрудничества», – отметил лидер страны.

Президент подчеркнул, что распространение коронавируса нарушило логистические связи между континентами, регионами и странами, повлияло на глобальные планы международных организаций. На этом фоне наблюдается резкий экономический спад, усугубляющий положение огромного количества людей.



В связи с этим выдвинута инициатива разработать под эгидой ООН Международный кодекс о добровольных обязательствах государств в период пандемии, в котором должны быть отражены обязательства каждой страны перед гражданами и международными партнерами. Было озвучено, что Узбекистан поддерживает предложение Генерального секретаря ООН Антониу Гутерриша по проведению саммита по актуальным проблемам обеспечения продовольственной безопасности в условиях продолжающегося кризиса.

Важным аспектом выступления главы нашего государства стал вопрос, касающийся отрицательных последствий глобального изменения климата на планете. Президент подчеркнул, что «каждая страна ощущает на себе разрушительное воздействие данного процесса. К сожалению, эти негативные изменения представляют серьезную угрозу и для устойчивого развития Центральной Азии».

Шавкат Мирзиёев в очередной раз обратил внимание на губительные последствия высыхания Аральского моря, в связи с чем регион стал эпицентром экологической катастрофы. «В целях улучшения сложившейся ситуации мы ведем огромную работу по формированию нового ландшафта, лесных массивов и почвенного покрова на площади 2 миллиона гектаров. По нашей инициативе создан Многопартнерский трастовый фонд ООН по человеческой безопасности для региона Приаралья», – сказал лидер нашего государства.

При этом, исходя из существующей ситуации, им было предложено принять специальную резолюцию Генеральной Ассамблеи ООН об объявлении региона Приаралья зоной экологических инноваций и технологий, а день принятия этого важнейшего документа – объявить Международным днем защиты и восстановления экологических систем.

Узбекистан реализует активную внешнюю политику, приоритетом которой является дальнейшее укрепление места и роли республики в качестве полноправного субъекта международных отношений, вхождение в число развитых демократических государств. Особое внимание во внешней политике страны занимают вопросы, касающиеся создания вокруг Узбекистана пояса стабильности, безопасности и добрососедства.

Стабильность региона – стратегически значимый аспект сохранения мира и безопасности в глобальном масштабе. В связи с этим главой государства выдвинуто предложение провести Международную конференцию, посвященную достигнутым результатам и перспективам взаимодействия в рамках Совместного плана действий для Центральной Азии по реализации Глобальной контртеррористической стратегии ООН, принятого десять лет назад.

Государства Центральной Азии проводят политику укрепления атмосферы добрососедства и взаимного доверия, из года в год растет объем торговли между странами. Вместе с тем для решения стратегически важной задачи по интеграции региона в глобальные экономические, транспортные и транзитные коридоры глава нашего государства предложил создать под эгидой ООН Региональный центр развития транспортно-коммуникационной взаимосвязанности.

Важнейшим вопросом, касающимся развития Центральноазиатского региона, является установление стабильности в Афганистане. Вопросы установления мира в ИРА должны оставаться в центре внимания мирового сообщества, поскольку только совместными усилиями и в тесном сотрудничестве можно воплотить в жизнь чаяния многострадального афганского народа. Президент Шавкат Мирзиёев особо подчеркнул, что здесь важно действовать, руководствуясь принципом «От нестабильности и разрушений – к миру и созиданию». В связи с этим целесообразно создать при ООН постоянно действующий комитет, основной задачей которого должно стать содействие социально-экономическому развитию ИРА.

Конструктивные инициативы Президента Шавката Мирзиёева несомненно внесут значимый вклад в решение острых проблем современного мира, будут способствовать консолидации усилий мирового сообщества на пути преодоления общих угроз безопасности.

**Подготовил Георгий ПЕТРОСЯН, корреспондент «На посту».**



# ДИЛЛАР АРДОҒИДА – АЗИЗ МУАЛЛИМ,

**– Аслида ҳаётда қорани оқлаш эмас, оқни қораламаслик адолатдир. Зеро, қора қоғозни ҳарчанд ювган билан оқ бўлмайди. Оқ қоғозни қора қилиш учун эса бир чизиқ тортиш кифоя. Ваҳоланки, киши ҳаётида рўбарў келадиган ҳар бир мушкулот унинг учун бир синовдир. Фақат сабр-матонат, чидам, оқилона қарорлар билангина уни енгиш мумкин.**



## ҲАМОН САФДА, ДОИМ ЭЪЗОЗДА

Бу сўзлар тизимда хизмат қилаётган кўплаб ходимларнинг устози, вилоят ИИБ Молия ва моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи, полковник Исмоил Ҳимматовнинг ўзига хос ҳаётий хулосасидир. У киши билан суҳбатлашиб, ички ишлар органи ходимининг эгнидаги либосига гард юқтирмай, устозлик мақомига етгунича не-не машаққатли йўллардан, чиғириқлардан ўтиши лозимлигига яна бир бор амин бўласиз. 1986 йилдан буён шу соҳада хизмат қилиш, нонини ҳалоллаб ейишнинг ўзи бўлмайди, ахир.

Баъзи одамларнинг муайян бир касбга туғма истеъдоди бўлади. И. Ҳимматов ҳам фақат шу касб учун яратилгандек, гўё. Чунки ўзини унутиш даражасида касбини севиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Унинг тарбиясини олган икки қиз, икки ўғлига ва кўплаб шогирдларига ҳам устознинг ушбу хислати ўтган.

1986–1990 йилларда И. Ҳимматов Термиз шаҳар ИИБда терговчи бўлиб ишларди. Бир ойда 5 тадан ортиқ ишни миридан сиригача кўриб чиқиб, якунлаши керак бўлган. У пайтлар ҳозиргидек компьютер, замонавий технологияалар қаёқда, дейсиз. Ҳар бир иш катта машаққат билан фош қилинарди. Шундай бўлса-да, И. Ҳимматов ўзига ишониб топширилган ўта оғир ишларни ҳам уддаларди. Ёзув машинкаси ҳамроҳлигида тунларни тонгга улаб, ҳар бир гумон қилинувчи ёки изнинг ортидан қадам-бақадам юриб бўлса-да, вазифасини сидқидилдан бажарган. Ўша йиллари бирорта ҳам иш ҳужжати суддан қайтмаган, деб эслайди ҳамкасблари. Бунинг учун қаҳрамонимиз вазирликнинг «Аъло хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланган. Яқинда эса полковник И. Ҳимматов I даражали «Ички ишлар органларида бенуқсон хизматлари учун» кўкрак нишонига муносиб кўрилди.



Қаҳрамонимиз узоқ йиллар тергов тизимида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. Кейинчалик Бойсун тумани ИИБ бошлиғи бўлди. Вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармасига раҳбарлик қилди. ИИВ академиясида катта ўқитувчи сифатида курсантларга таълим берди. Бир муддат ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасида бўлим бошлиғи лавозимида ҳам фаолият кўрсатди. Айни пайтда эса яна Сурхондарё вилояти ИИБда хизмат қилиб, кўплаб бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлмоқда.

– Ғурурли, ор-номуси кучли одамни енгиб бўлмайди. Бугун биз устоз деб, тан олган Исмоил Ҳимматовнинг барча шогирдлари у кишидан ана шу фазилатларни ўзлаштиришга уринади, – дейди вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Шуҳрат Бўронов. – У кишининг «Ҳар доим улкан режаларни кўзланг. Зеро, келажакни кўра оладиган кишилар олисроққа қарайди ва бошқалардан кўра кўпроқ нарсани кўради», деган насиҳати мен учун шиорга айланган. Ваҳоланки, устознинг ҳар бир ўгити бизни энг қийин вазиятлардан чиқишга, ҳаётда тўғри қадам ташлашга ундайди.

Одатда чўққида турган одамга ҳавас қиламиз. Аммо ана шу юксакликкача бўлган йўлни босиб ўтиш учун қадамлар темирдан, иродамиз метиндан, мақсад эса тоғдай вазмин, барқарор бўлиши керак. Ҳамон сафда, ҳамиша санокда туриб, ўз меҳнати ва билимини аямаётган Исмоил Ҳимматовда ҳам ана шу хислатларни кўрдик.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

---



## ТОРТИҚ

*Устозлар ўгити мангу шамчироқ,*
*Ҳар сўзи гўёки ҳаёт дурлари.*
*Гарчи ҳикматлари кўҳна, қадимроқ,*
*Йўлимиз ёритар урфон нурлари.*

*Бизни улғайтдингиз зиё-нур билан,*
*Сабоғингиз сабаб топдик ўзликни.*
*Заҳматли меҳнату чин меҳр билан*
*Тарбия қилурсиз ҳар бир ўзбекни.*

*Сохталикдан йироқ самимиятга*
*Олқиш қилиб, дилдан айтамиз алёр.*
*Мудом одат бўлсин инсониятга*
*Устоз-мураббийлик – бахтдир улуғвор.*

*Сизга таъзим айлаб айтгум ташаккур,*
*Устоз меҳри чексиз таҳсинга лойиқ.*
*Сиздек зотлар учун дилимда шукур,*
*Ушбу шеърим эса байрамга тортиқ.*

**Феруз РЎЗИЕВ,**
**ИИВ Бухоро академик лицейининг I босқич ўқувчиси.**

## МУРАББИЙНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИГА ТАЯНАМАН

**2019 йилда ИИВ академиясини тамомлаб, Навоий шаҳар ИИОФМБ 1-сонли тергов гуруҳи терговчиси сифатида ўз фаолиятимни бошладим. Дастлаб масъулият юки мени бироз ҳаяжонга солгани худди кечагидек эсимда. Шунда устозим подполковник Марҳабо Ҳожиеванинг маслаҳатлари менга қўл келди, далдаси мадад бўлди. Ўша кезлари киши тажрибали мураббийнинг етагисиз ҳаётда тўғри йўл топиши қийинлигига, қоқилиши шубҳасизлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.**



Устозим 25 йиллик касбий тажрибага эга. У терговчининг маънавияти юксак, ҳуқуқий саводхонлиги юқори даражада бўлиши энг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Қатъият, тўғрисўзлик, ҳалоллик, ишончни оқлаш, садоқат ва адолатли иш олиб боришни ўзининг ҳаётдаги шиорига айлантира олган подполковник М. Ҳожиева ҳозирда Навоий шаҳар ИИОФМБ ҳузуридаги тергов бўлими катта терговчиси сифатида фаолият олиб боради. У мендан бошқа яна кўплаб ёш терговчиларни ўз қаноти остига олиб, уларга соҳа сирларини ўргатган. Барча шогирдлари опани чексиз ҳурмат қилишади.

– Терговчи фаолияти давомида жиноятга алоқадор ҳолат ва ҳодисаларнинг моҳиятини тез англаши, тўпланган турли ахборотлар ичидан зарурини ажратиб олиши, улардаги ўзига хосликлар ва тафовутларни осон аниқлаши, кўпчилик илғай олмайдиган майда нарсаларни кўриш билан ёлғон ва ростни таққослай билиши зарур, – деб кўп бора такрорлайди устозим.

Айниқса, бу соҳада етук мутахассис бўлиш учун ёш ходимлар тинимсиз изланиши, ҳар бир ишда янги маълумотлар топиши, воқеага алоқадор зарур материалларни йиғиши ва дахлдорларни сўроқ қилиш асносида жараёнга янада ойдинлик киритиши кераклигини уқтиради. Кўрилган иш якунида барча маъумотлар умумлаштирилиб, таҳлил қилиниб, асосий тахминлар илгари сурилса, ҳар қандай жиноятни фош этиш мумкинлигини ўзининг фаолияти давомида тўплаган тажрибаси мисолида тушунтиради.

Иш фаолиятимда ҳар доим М. Ҳожиеванинг маслаҳатларига таянаман. Жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни қабул қилгач, кўриб чиқиш ва ишни ҳал этиш тартибига биноан, сифатли ва самарали ташкил этиш, терговга қадар текширув ўтказиш, жиноят ишини қўзғатиш ва ёки қўзғатишдан рад этиш борасидаги амалий кўрсатмаларига риоя қиламан.

**Жаҳонгир НИЗАМОВ,**
**Навоий шаҳар ИИОФМБ терговчиси, лейтенант.**

# ҲАЁТ ГУЛЗОР БЎЛМАС, УСТОЗ БЎЛМАСА

**Пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган ИИВ ихтисослаштирилган мактаб-интернати жамоаси бугунги синовли кунларда ҳам зиммаларига юклатилган масъулиятли вазифани фидойилик билан адо этишяпти.**



## ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ ОРТГА СУРИБ БЎЛМАЙДИ

Бу ерда дарслар Халқ таълими вазирлиги томонидан жорий қилинган электрон кундалик асосида олиб бориляпти. Бу дастурнинг афзаллиги шундаки, ўқувчилар билан ўзаро мулоқот қилиш, фикр-алмашиш мумкин. Яна бир асосий жиҳати, ота-оналар ўз логин пароллари орқали дастурга кириб, фарзандларининг дарсларни қай даражада ўзлаштираётганидан доимий равишда хабардор бўлиб туради.

– Ҳар бир дарс мавзуси kundalik.com, яъни электрон кундаликка видео, аудио ёки текст ҳолатида жойлаштирилади, – дейди Халқ таълими аълочиси, мактаб-интернатнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулбаҳор Суярова. – Электрон кундалик ортиқча қоғозбозликларнинг олдини олгани билан аҳамиятлидир. Унинг яна бир афзаллиги шундаки, телеграмдан фарқли равишда, берилган топшириқ ёки уй вазифаларини бир-биридан кўчиришнинг иложи йўқ. Яъни, бир ўқувчи иккинчисининг бажарган уй вазифасини кўра олмайди. Ўз навбатида, бу ўқувчиларни мустақил равишда изланишга ундайди.



Мамлакатимизда давом этаётган пандемия сабабли мактаб ўқувчилари учун онлайн дарслар телевидение орқали малакали ўқитувчилар томонидан олиб борилаётгани барчамизга маълум. ИИВ ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг олти нафар ўқитувчиси ҳам мазкур дарсларга жалб этилган. Хусусан, М. Усмонова тарих, О. Толипова она тили, Н. Нусратова мусиқа, М. Қўшмуротова математика ҳамда Э. Шокиров технология фанларидан дарс бериб, мамлакатимиз ўқувчиларининг билим олишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу, мактаб-интернат ўз касбининг фидойилари, малакали ва тажрибали ўқитувчилар билан жамланганининг ёрқин ифодасидир.

– Ихтисослаштирилган мактаб-интернатимиз фаолияти бўйича барча маълумотлар iivmaktab.uz сайтига мунтазам жойлаштириб борилади, – дейди мактаб-интернатнинг электрон кундалик ва сайтлар бўйича иш юритувчиси Бекназар Бердибеков. – Қабул жараёнлари, эълон ва янгиликлар, жамоа эришаётган ютуқларни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Хоҳловчилар мазкур сайт орқали мактаб фаолияти билан боғлиқ шу ва бошқа ўзларини қизиқтирган маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Мазкур таълим муассасасида ўқитувчининг ўқувчиларга дарс ва уйга берилган вазифаларини видео, аудио ёки текст ҳолида тушунтириши учун барча шароитлар яратилган. Дарвоқе, дарс жараёнларини Халқ таълими ва Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари бевосита кузатиб, ўзларининг зарур тавсияларини ҳам бериши мумкин.

**Ш. АБДУШУКУРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар.**

---

# ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР АСОСИДА

**Мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида ИИВ Малака ошириш институтининг ҳам муносиб ўрни бор. Ушбу таълим муассасаси ва унинг жойлардаги филиаллари юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда ички ишлар органлари офицерлар таркибининг билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилаётир.**

Таъкидлаш жоизки, ўқитишни инновацион услуб ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олиб бораётган институт жамоаси томонидан қисқа давр ичида ички ишлар органлари тузилмаларининг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, блок-модулли ўқув дастурлари яратилди. Мазкур дастурлар асосида ўқув-методик материаллар мажмуи тайёрланди. Шу билан бирга, ички ишлар органлари офицерларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда таълим муассасаси ва унинг филиалларида масофавий таълим тизимини кенг жорий этиш ҳамда ўқитишнинг замонавий интерфаол методларини қўллашга оид вазифалар самарали амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, ўқув машғулотлари «Интерфаол саволлар», «Ақлий ҳужум», «Кичик гуруҳлар» каби илғор услублар асосида ташкил этилаётгани таълим сифатини оширишда алоҳида ўрин тутмоқда.



Институт ва унинг филиалларида соҳавий хизматлар ходимлари билан бирга, истиқболли ёш кадрлар захирасига киритилган ходимлар ҳамда профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларининг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, ўтган давр мобайнида жойларда ўтказилган сайёр ўқув йиғинлари доирасида кўплаб раҳбар ходимлар, эксперт-криминалистлар, жиноят қидирув бўлими тезкор вакиллари, шунингдек, профилактика инспекторлари ва улар ёрдамчиларининг малакаси оширилди. Ўқув дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган ходимларга сертификатлар топширилди.

– Таълим муассасамизга малака ошириш учун келган ходимлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилган, – дейди институт бошлиғининг ўринбосари, подполковник Зафар Жуманов – Хусусан, замонавий аудиториялар, кутубхона, маърифат ва маънавият хонаси, компьютер хонаси ҳамда маърузалар зали тингловчилар ихтиёрида. Бу улар зарур даражада билим олишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Институтда тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишда жонбозлик кўрсатиб келаётган моҳир педагоглар талайгина. Улар сафига кафедра бошлиғи, полковник Улуғбек Расулов, бўлим бошлиғи, подполковник Шаҳноза Ваҳобова ҳамда кафедра бошлиғи, полковник Баҳодир Улуғбековни ҳеч иккиланмасдан киритиш мумкин. Уларнинг заҳматли меҳнатлари самараси ўлароқ, кўплаб ўқув-услубий қўлланмалар, тўпламлар тайёрланиб, нашр этилди. Кўп йиллардан буён ўз касбини ардоқлаб келаётган ушбу педагогларни кўпчилик устоз, дея ҳурмат қилишади. Шу боисдан, уларнинг хизматлари вазирлик раҳбарияти томонидан ҳам эътироф этилиб, кўп бора муносиб рағбатлантирилган.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

---




## ҚЎМСАШ

*Йўлнинг қаерига келдим – билмайман,*
*Недандир кўнглим ғаш,*
*ичикмадимми?*
*Меҳрибон устозим, азиз устозим,*
*Сизни табриклашга кечикмадимми?*

*Гоҳо дарсингизга кирмаган эдим,*
*Сизга ҳатто гул ҳам бермаган эдим.*
*Вақтнинг шамоллигин*
*билмаган эдим...*
*Сизни табриклашга кечикмадимми?*

*«Қадамда нокаслар учрар дунёда,*
*Яхшики, яхшилар ундан зиёда».*
*Сўзингиз дурлардан тузилган шода,*
*Сизни табриклашга кечикмадимми?*

*Япроқман, илдизни соғиниб келдим,*
*Истарали юзни соғиниб келдим,*
*Маънога бой сўзни соғиниб келдим,*
*Сизни табриклашга кечикмадимми?*

*Ҳар лаҳза қўмсайман ўгитларингиз,*
*Ёдимда намланган киприкларингиз...*
*Сабабки – биз бебош шогирдларингиз,*
*Сизни табриклашга кечикмадимми?*

*Бежиз қўлга қалам олмас эдим-ку,*
*Бугунгидай ўйга толмас эдим-ку,*
*Шеър қандай ёзилар –*
*билмас эдим-ку...*
*Сизни табриклашга кечикмадимми?*

**Шерзод АБДУСАМАДОВ.**

Postda На посту

СЕГОДНЯ – ДЕНЬ УЧИТЕЛЕЙ И НАСТАВНИКОВ

# ТАЛАНТЛИВЫЕ, ОПЫТНЫЕ



**За плечами доктора юридических наук, профессора, подполковника Алимжана Атабаевича Матчанова 38 лет службы в органах внутренних дел, 25 из которых – научно-педагогическая деятельность в Академии МВД Узбекистана.**

Службу Алимжан Атабаевич начинал оперуполномоченным уголовного розыска ОУР РУВД Хамзинского (ныне Яшнабадского) района столицы, затем работал в отделе по борьбе с организованной преступностью УУР ГУВД г. Ташкента. Через несколько лет энергичный и перспективный сотрудник был переведен следователем в СО РУВД Яшнабадского района.

С 1995 года А. Матчанов осуществляет научно-педагогическую деятельность в Академии, воспитывая молодое поколение стражей правопорядка, передавая им богатый практический опыт, знания, успешно проводя исследования по актуальным вопросам правоприменения, обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью.

Профессор Алимжан Матчанов – признанный ученый в отечественной школе уголовно-процессуального права. Его перу принадлежит около 300 работ, среди которых фундаментальные монографии, ряд учебников, учебно-методических пособий, научные статьи, опубликованные в солидных отечественных и зарубежных изданиях.

Сфера научных интересов Алимжана Атабаевича обширна и охватывает различные аспекты уголовного процесса, криминалистической методики, тактики, оперативно-розыскной деятельности, международного права, предварительного следствия, теории и практики прав человека.

В нынешнем году Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан Алимжану Матчанову было присвоено ученое звание профессора. Это достойное признание его вклада в развитие юридической науки, высокого уровня компетентности, педагогических заслуг.

Сегодня под руководством профессора Алимжана Матчанова разрабатываются учебники нового поколения, оригинальные педагогические методики, готовятся предложения по дальнейшему совершенствованию законодательства. Ученый работает в тесном сотрудничестве с Национальным центром Республики Узбекистан по правам человека, активно участвует в реализации проектов ОБСЕ, УНП ООН.

Успехи, достигнутые Академией, – во многом результат плодотворной деятельности таких людей, как профессор Алимжан Матчанов, которые своим трудом многое сделали для развития образовательного учреждения. Нет сомнений в том, что славные традиции вуза, у истоков которых стоят наши наставники, будут приумножаться, а Академия будет оставаться на передовых позициях подготовки высококвалифицированных специалистов для органов внутренних дел страны.

**Людмила ЮГАЙ,**
**и. о. доцента кафедры криминалистических экспертиз Академии МВД Республики Узбекистан, подполковник.**





**В Ферганском академическом лицее МВД республики работают 40 самоотверженных, преданных своему делу наставников, которые щедро делятся знаниями с юношами и девушками, мечтающими посвятить себя профессии стража правопорядка. Талантливый преподаватель математики Гулноза Йулчибоева – одна из них.**

Гулноза Йулчибоева организовала в лицее кружок «Юный математик», который с интересом посещают лицеисты. Ее ученики занимают призовые места в предметных олимпиадах, различных смотрах-конкурсах.

Помимо преподавательской деятельности Г. Йулчибоева ведет общественную работу – является председателем женсовета образовательного учреждения. Вопросы воспитания лицеисток всегда в центре ее внимания. Совместно с членами женсовета она регулярно организовывает мероприятия с участием девушек, направленные на обучение их ведению домашнего хозяйства, кулинарии, швейному делу.

– Гулноза Йулчибоева – опытный педагог, ей присущи такие качества, как искренность, трудолюбие, высокая ответственность, – говорит заместитель директора Академического лицея полковник в отставке Адхамжон Эсонов. – Ее ценят и коллеги, и ученики. Мы гордимся тем, что в нашем коллективе есть такой самоотверженный преподаватель.

Гулнозу Йулчибоеву можно назвать счастливой во всех смыслах. Ведь у нее прекрасная семья, любимая работа, ее окружают уважающие коллеги и ученики.

**Абдувосит СИДИКОВ,**
**корреспондент «Postda».**

*Ферганская область.*

**Именно наставникам отводится ведущая роль в деле патриотического воспитания молодых воинов. Ими проводится большая работа по формированию у молодежи преданности духовно-нравственным ценностям, сохранению преемственности между поколениями. За молодыми военнослужащими закрепляются наставники – наиболее подготовленные, отличающиеся высокими профессиональными качествами.**

Сегодня наш рассказ о Рахматилло Хожиматове и его учениках.

Рахматилло родился и вырос в Асакинском районе Андижанской области. После окончания индустриально-педагогического колледжа отслужил срочную службу в рядах Вооруженных Сил Узбекистана. Тогда он и решил посвятить себя службе в армии. С 2004 года младший сержант Р. Хожиматов служит по контракту в разных уголках нашей страны. Последние несколько лет – в войсковой части № 7255, где командиром является подполковник Анвар Мамиров. Личный состав подразделения обеспечивает безопасность в международном аэропорту «Андижан».

За эти годы заместитель командира взвода младший сержант Рахматилло Хожиматов воспитал ряд достойных учеников. Сегодня они служат в войсковых частях, расположенных по всему Узбекистану.



Один из его учеников – рядовой Турсунали Мелибоев – родом из Кувасайского района Ферганской области. После окончания общеобразовательной школы и колледжа молодой человек отслужил срочную службу и стал воином-контрактником. В войсковой части № 7255 он – с 2019 года.

– Узнав о том, что у меня второй разряд по вольной борьбе, младший сержант Р. Хожиматов, по согласию командира войсковой части, взял меня в ученики, – рассказывает рядовой Турсунали Мелибоев. – Оказалось, что он неоднократный призер соревнований по рукопашному бою, которые проводятся среди сотрудников силовых структур Андижанской области. Он стал меня тренировать, и спустя несколько месяцев мне удалось занять 2-е место в соревнованиях. Рахматилло Хожиматов не только тренирует, но и передает богатый жизненный и служебный опыт. Спасибо наставнику.

– В подразделении широко развита школа наставничества, – вступает в разговор заместитель командира войсковой части по воспитательной работе майор Адиз Нарзиев. – Молодые воины-срочники и военнослужащие-контрактники закрепляются за опытными наставниками, которые в процессе совместной службы передают молодежи опыт, учат их тонкостям армейской службы. Наставничество является залогом крепкой воинской дисциплины, воспитания чувства ответственности за порученный участок работы, профессионального развития.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**

*Андижанская область.*

# И ЛЮБИМЫЕ НАСТАВНИКИ

**Полковник в отставке Геннадий Федорович Никишин, в прошлом бессменный руководитель Экспертно-криминалистического центра МВД Республики Узбекистан, посвятивший тридцать восемь лет беззаветному служению Отечеству, не только ветеран органов внутренних дел и высочайшего уровня профессионал, но, прежде всего, человек, воспитавший огромное количество учеников и последователей. Об ученом в органах внутренних дел, взявшем на вооружение целый комплекс наук, способствующих обнаружению, казалось бы, невидимых следов совершенного преступления, без преувеличения скажу – настоящее сокровище в системе правоохраны. Именно такой он, Геннадий Никишин, – человек-легенда.**



– Как сейчас помню тот день, когда вышел приказ о принятии меня на службу, – рассказывает Геннадий Федорович. – Это было 18 января 1979 года, причем как специалиста, имеющего необходимые знания и опыт, меня сразу же назначили начальником отделения. С тех пор началась моя деятельность в органах внутренних дел.

На протяжении многих лет плодотворной деятельности в должности руководителя подразделения Геннадий Никишин настолько усовершенствовал методы и принципы работы, что зарубежные коллеги диву давались – при всем ультрасовременнейшем оснащении их ведомств, многое из того, что применялось в ЭКЦ МВД Республики Узбекистан, для них становилось настоящим открытием.



Для Г. Никишина основополагающим был и остается принцип профессионализма и кадровый аспект. Его первый учитель и наставник Михаил Ерохин многому научил, щедро делился опытом, помогал в сложные моменты. Такой по духу и сам Геннадий Федорович, воспитавший немало талантливых последователей, которые и ныне продолжают его дело.

– Главное – делиться знаниями и передавать наработанные навыки и умения, – делится Г. Никишин, – ведь каждый из нас просто обязан помочь другому сделать первые шаги в избранной профессии, овладеть ремеслом, одержать первую победу. Приведу отрывок из произведения великого восточного поэта Абдурахмана Джами «Книга мудрости Искандера»:

*«…Родитель мой мне дал язык отцов,*
*Учитель – россыпи алмазных слов.*
*Отец призвал меня на свет земной,*
*Учитель мир открыл передо мной…»*

Геннадий Федорович, будучи старшим преподавателемАкадемии находится на заслуженном отдыхе. Но определение это условно. На самом деле Геннадий Федорович кипит энергией, постоянно находится в контакте с сослуживцами, учениками, единомышленниками, всегда готов помочь и словом, и делом. Он передает свой огромный многогранный опыт курсантам Академии МВД Республики Узбекистан, и молодым специалистам-экспертам недавно вставшим в ряды органов внутренних дел.

– Хочу пожелать сегодняшней молодежи больше времени уделять книгам, стремиться к знаниям, быть профессионалами своего дела, – говорит Г. Никишин. – Знания облагораживают душу, подвигают человека к новым целям и свершениям, а это очень и очень важно.

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

---

**На наставников, работающих в системе органов внутренних дел, в первую очередь возложена задача по воспитанию всесторонне и гармонично развитых стражей порядка. Командир группы войсковой части № 7260 Ургенчского отдельного батальона войск по обеспечению безопасности в международных аэропортах младший сержант Зокиржон Тилобов ответственно подходит к возложенным на него обязанностям.**

Следуя рекомендациям наставников – подполковников Зохиджона Абдуллаева и Азиза Язданова, он достиг многого. Сейчас служит командиром группы войсковой части Ургенчского отдельного батальона войск по обеспечению безопасности в международных аэропортах.

– В каждой профессии есть свои трудности, – говорит младший сержант Хурсанд Бекчонов. – Преодолевать их помогают учителя и наставники – настоящая опора для молодых сотрудников. Наставления, данные мне моим учителем – младшим сержантом Зокиржоном Тилобовым, не раз выручали в сложных ситуациях.

Учитель видит в воспитанниках свое отражение, вкладывает в них опыт и знания. Младшие сержанты Бобур Азизов, Хурсанд Бекчонов, рядовые Азамат Сафоев, Тухтасин Бекметов, Лазиз Рахмонов, Нурлан Торижанов оправдали доверие своего наставника – младшего сержанта Зокиржона Тилобова и являются примером для коллег.



– Роль наставника в формировании здоровой атмосферы в коллективе очень важна, – говорит Зокиржон Тилобов. – Она благотворно действует на духовный рост стражей порядка. Необходимо уделять особое внимание воспитанию патриотизма, проведению среди сотрудников духовно-просветительской, нравственно-воспитательной работы, изучению богатого культурного наследия наших великих предков. Все это ведет к повышению результативности и эффективности службы.

Учитель стремится воспитать ученика всесторонне развитой личностью, хочет, чтобы он болел душой за народ, стоял на страже интересов Отчизны. Пусть будут всегда здоровы учителя и наставники, дающие молодому поколению знания, воспитывающие чувство ответственности и любовь к Родине.



**Худойберган ЖАББОРОВ.**
**Фото автора.**
*Хорезмская область.*

---

**Когда я услышал, что Илхом Салимов может раскрыть преступление, «не выходя из кабинета», то очень удивился. Только позже понял, что такие способности присущи сотрудникам, обладающим богатым опытом в сфере уголовного розыска, владеющим информацией о криминальной обстановке в регионе.**

Через некоторое время я и сам перешел в систему уголовного розыска. Моим наставником стал Илхом Салимов, который обучил меня секретам и тонкостям профессии.

Он не жалеет времени для своих учеников. Давая то или иное поручение, до мелочей разъясняет план действий. Если допускается ошибка – выполняешь задание вновь: наставник добивается тщательного исполнения всех поручений. При этом в нужное время за учеников он встает, как говорится, горой.

Начальник подразделения по борьбе с преступлениями против личности Управления уголовного розыска Джизакского областного УВД подполковник Илхом Салимов, находясь на месте преступления, не оставляет без внимания ни одну деталь. «В нашем деле мелочей не бывает», – не устает повторять он.

Илхому Салимову, как истинному мастеру своего дела, присущи тонкий аналитический ум, профессиональное чутье. Беседуя с человеком, он легко может понять его психологию, найти к собеседнику верный подход. Недавно было раскрыто преступление, совершенное шесть лет назад. Заново было возбуждено дело, связанное с без вести пропавшей девушкой. Внести ясность во все обстоятельства было поручено Илхому Салимову.

Самоотверженная служба подполковника Илхома Салимова достойно оценивается. Он награжден почетными грамотами Министерства внутренних дел. В минувшем году был удостоен нагрудного знака «Тезкор хизмат аълочиси».

Работавший по направлению уголовного розыска и следствия, на протяжении определенного времени занимавший должность руководителя Мирзачульского РОВД, наш наставник воспитал немало учеников, многие из которых в настоящее время успешно трудятся в различных подразделениях Джизакского областного УВД, районных и городских отделах внутренних дел.

**Санжар РАХМАТОВ,**
**майор.**
*Джизакская область.*

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

## 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

**Тараққиётга эришишда, аввало, илмли, дунёқараши кенг, янгидан-янги ғоя ва ихтироларни рўёбга чиқарадиган инсонлар муҳим аҳамият касб этган.**

Одамларнинг оддий тош қуроллардан бугунгидек компьютер технологиялари асрига етиб келиши ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Бу ишларни амалга оширишда етук истеъдод соҳиби бўлган устозларнинг ўрни беқиёсдир. Шу боисдан бутун ақлидроки, билими ва қалб қўрини шогирдларига бахшида этган заҳматкаш инсонларни ҳар қанча қадрласак арзийди.

Устоз-шогирд анъанаси юртимиздаги барча соҳалар қатори, ички ишлар органлари тизимида ҳам жорий қилинган. Эндигина хизматга келган ёш ходимлар лавозимга тайинланиш билан бир вақтда дастлабки синов муддати белгиланиб, уларга тажрибали, соҳанинг етук мутахассисларидан мураббийлар бириктирилади. Шунингдек, ИИВ таълим муассасалари битирувчиларига, сафдор ва сержантлар таркиби лавозимларида хизмат қилиб, кейинчалик офицерлик лавозимларига тайинланган ва йўналиши бўйича бошқа соҳавий хизматларга ўтказилган ходимларга ҳам уларни лавозимга тайинлаш билан бир вақтда мураббий бириктирилади. Хизматга янги қабул қилинган ходимларга ёки вазирлик олий таълим муассасаларининг, шу жумладан, касбий тайёргарлик факультети битирувчиларига бириктирилган мураббийларга лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама ҳақ тўланади.

Хизматга янги қабул қилинган ходимлар ёки битирувчиларга ўн икки ой, сафдор ва сержантлар таркиби лавозимларида хизмат қилиб, кейинчалик офицерлик лавозимларига тайинланган ва йўналиши бўйича бошқа соҳавий хизматга ўтган ходимларга олти ой муддатга мураббий бириктирилади. Яъни, ҳар бир мураббийга, қоида тариқасида, кўпи билан бир нафар офицерлар таркибидан, уч нафаргача сержантлар таркибидан ва беш нафаргача сафдорлар таркибидан ходимлар бириктирилади. Улар белгиланган вақт мобайнида ўзларининг устозидан соҳанинг сир-асрорларини ўрганиб боради. Дастлабки синов муддатининг мақсади ҳам янги қабул қилинган ходимларнинг хизматга бўлган лаёқатини текшириш ва уни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашдан иборатдир. Хизматга янги қабул қилинган ходимга фаолиятида натижадорликка эришиш, юклатилган вазифаларни самарали бажаришга интилишни сингдириш ҳамда амалий иш кўникмаларини шакллантириш ва бурчига садоқат билан муносабатда бўлишни ўргатиш мураббийнинг асосий вазифаларидан саналади.

Ҳозирда ходимларга уч мингдан ортиқ мураббийлар бириктирилган бўлиб, улар хизматга янги қабул қилинган ходимлар, ИИВ таълим муассасалари битирувчилари, сафдор ва сержантлар таркиби лавозимларида хизмат қилиб, кейинчалик офицерлик лавозимларига тайинланган ходимлар ва хизмат йўналиши бўйича бошқа соҳавий хизматларга ўтган ходимларга касб сирларини ўргатиб келмоқда.

Бугунги кунда ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган ўн тўққиз мингдан ортиқ ёш ходим ва ҳарбий хизматчилар билан ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан жорий йилнинг ўтган даврида кўплаб турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Масалан, «Ички ишлар органлари ёш ходимлари билан ишлаш бўйича энг яхши лойиҳа» танлови, «Генерал ва ёшлар» онлайн учрашуви ҳамда ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ тест саволлари асосида юртимизнинг барча ёшлари ўртасида бўлиб ўтган «Онлайн олимпиада» шулар жумласидандир.

Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзлари нақадар ҳақиқат эканини яхши англаймиз. Дарҳақиқат, тарбия масалаларига эътиборсиз қаралган вазиятда юзага келадиган кўнгилсизликлар ҳам, у келтириб чиқарадиган зарарли оқибатлар ҳам барчамизга аён.

Зеро, бугун илм-фан ва таълим тизими изчил ривожланиб бораётган бир даврда, шак-шубҳасиз, тарбия таълимнинг асосида туриши шарт. Шундай экан, илм-фан таълим-тарбия асосида олиб борилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ҳар бир педагог, муаллим ва устознинг таълим беришдан мақсади – келажаги порлоқ, она Ватан ва эл-юрт хизматида турадиган кадрларни тарбиялаш бўлар экан, бундай таълим-тарбия ўз самарасини бермай қолмайди. Яъни, бугунги куннинг ўқитувчи ва муаллими ўз шогирдига фидойилик билан таълим бериши, қолаверса, жонкуяр тарбиячи бўлиши шарт.

Жумладан, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги етук, малакали кадрларни тайёрлаётган ИИВ академияси, Малака ошириш институти, Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари, жойлардаги академик лицейлар ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ҳам мингга яқин ана шундай ўқитувчи ва мураббийлар тегишли фанлар бўйича ўқув машғулотларини олиб бораётир.

Нафсиламрини айтганда, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Бу қон-қонимизга сингиб кетган шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир. Шундай экан, таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб бориш талаб этилади.

Шуни унутмаслигимиз керакки, юрт келажаги, ватанимиз тараққиёти ва халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимиз ва ёшларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқдир. Шу сабабли ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, униб-ўсиб келаётган ёшларни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим.

Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови, деб билган. Албатта, таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

Юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ҳар бир соҳани етук ва малакали кадрлар билан таъминлаш заруриятини исботлади ва давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифалардан бирига айланди.

Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 3 октябрдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури»да ёш кадрлар учун давлат органлари ва ташкилотларидаги тажрибали раҳбарлар ва мутахассислар томонидан устозлик институтини жорий қилиш белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ички ишлар вазирининг 2017 йил 19 декабрдаги «Ички ишлар органларида синов муддатини ўташ ва мураббийларни бириктириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига асосан, «иш тажрибасининг ворисийлигини, ёш ходимларнинг хизматга амалий мослашишини, касбий шаклланиш жараёнини тезлаштириш ҳамда уларда хизмат вазифаси бўйича зиммасига юклатилган тезкор-хизмат вазифаларини мустақил бажариш қобилиятини ривожлантиришни таъминловчи самарали мураббийлик тизими жорий этилмоқда.

Аслида ҳар бир жамоада эътироф этса арзийдиган устозлар бор. Улар орттирган тажриба ва тайёрлаётган шогирдлар туфайли меҳнат жамоасида юксалиш, олға силжиш бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби саъй-ҳаракатларнинг барчаси тизимдаги ёш ходимларнинг хизмат самарадорлигини янада оширишда муҳим пойдевор бўлмоқда.



**Ойбек ХОЛМЎМИНОВ,**
**подполковник.**

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

# 2021 ЙИЛДАН МАМЛАКАТИМИЗДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ID-КАРТАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БОШЛАНАДИ

## Бунинг қандай ўзига хос афзалликлари бор?

**Мамлакатимизда ахборот тизимини жадал ривожлантириш, аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, масофавий хизмат кўрсатишда шахсни идентификациялашнинг ягона механизмини жорий этишни янада ривожлантириш зарурияти юзага келмоқда. Ушбу заруриятдан келиб чиқиб, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлаш мақсадида 2020 йил 22 сентябрда давлатимиз раҳбари томонидан «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон имзоланди.**

Жорий этилаётган идентификация ID-карталари фуқароларни рақамли идентификациялашнинг ягона тизимини ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларида инновацион технологияларни кенг жорий этиш, аҳолини ижтимоий таъминлаш ва муҳофаза қилиш, турли давлат ҳисобига олиш тизимлари ўртасида ахборот ҳамкорлиги учун жисмоний шахслар тўғрисидаги бирламчи маълумотлардан самарали фойдаланиш имконини беради. Ушбу тизим мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг самарадорлиги ва тезкорлигини оширади. Бундан ташқари, шахсни идентификация қилиш тартиб-таомилларини соддалаштириб, «Электрон ҳукумат» тизими фаолияти доирасида аҳолига интерфаол давлат хизматларини кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлган жисмоний шахсларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантиришни таъминлайди.

Мухбиримиз мазкур Фармон юзасидан кўпчиликни қизиқтирадиган саволлар билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи, полковник Улуғбек Мухамедовга мурожаат этди. Қуйида ушбу саволларга жавобларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

**– Идентификация ID-карталари қанча вақт ичида расмийлаштириб берилади?**

– Идентификация ID-карталари белгиланган ҳужжатлар қабул қилиб олингандан сўнг бир иш куни мобайнида расмийлаштириб берилади.

**– Уларнинг амал қилиш муддатлари қандай?**

– Бир ёшгача бўлганларга бериладиган идентификация ID-карталарининг амал қилиш муддати 2 йилни, 1 ёшдан 16 ёшгача бўлганларга расмийлаштириладиган ID-карталариники 5 йилни ва 16 ёшдан ошган фуқароларга бериладиган бундай карталарнинг амал қилиш муддати 10 йилни ташкил этади. Мамлакатимизда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга эса 5 йил муддатга расмийлаштириб берилади.

**– Идентификация ID-картасини олиш юзасидан қандай шаклда мурожаат қилинади?**

– Маълумотларни йиғиш пунктига шахсан ташриф буюриб ёки электрон шаклда, яъни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза топширилади. Маълумот ўрнида шуни қайд этиш жоизки, фуқаролар амалдаги биометрик паспортининг амал қилиш муддати тугамаган бўлса ҳам, идентификация ID-картасини олиш юзасидан мурожаат қилишлари мумкин.

**– Фуқаролар амалдаги биометрик паспортини идентификация ID-картасига алмаштириш учун қаерга мурожаат қилишлари лозим?**

– Улар бунинг учун ўз ихтиёрига кўра, хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига мурожаат қилишлари мумкин. ID-карталарини алмаштириш учун эса давлат хизматлари марказларига ҳам мурожаат қилса бўлади.







**– Идентификация ID-картасини расмийлаштириш юзасидан мурожаат қилувчиларга қандай талаблар белгиланган?**

– Агар фуқаро қўл бармоқ излари олинишидан бош тортса ёхуд кўзойнакда ёки бош кийимда суратга тушиш истагидан қайтмаса, маълумотларни йиғиш пункти фуқарога ID-карта расмийлаштиришни рад этади.

**– Фуқаро идентификация ID-картасини йўқотганлиги юзасидан мурожаат қилганида, янги идентификация ID-картаси қанча муддат ичида расмийлаштириб берилади?**

– Бундай ҳолатда бу ҳақда ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида янги ID-карта расмийлаштириб берилади.

**– Ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар ва ногиронлиги бўлган шахсларга идентификация ID-картасини расмийлаштириш борасида улар учун муайян қулайликлар кўзда тутилганми?**

– Ҳа, ушбу тоифадаги шахслар ёки уларнинг вакилларидан идентификация ID-картасини олиш юзасидан мурожаат келиб тушганда, масъул ходим 15 кун муддат ичида мазкур шахсларнинг яшаш манзилига бориб, идентификация ID-картаси расмийлаштиради. Кўрсатилган хизмат учун улардан қўшимча тўлов ундирилмайди.

**– ID-карталарни расмийлаштириш қачондан бошланади ва қачонгача давом этади?**

– Ушбу жараён икки босқичда амалга оширилиши белгиланган. Биринчи босқич 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу даврда идентификация ID-карталари 16 ёшга тўлган ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабаблар, яъни шахсини тасдиқловчи ҳужжатини йўқотган, мазкур ҳужжати яроқсиз ҳолга келган, биографик маълумотлари ўзгарган ҳамда ихтиёрийлик асосида шахсини тасдиқловчи ҳужжатини алмаштириш истагини билдириб мурожаат қилган шахсларга расмийлаштириб берилади.

Иккинчи босқич 2023 йил 1 январдан 2029 йил 31 декабргача бўлган даврда мажбурий тартибда амалга оширилади. Бунда идентификация ID-карталари шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг амал қилиш муддати тугаганлиги юзасидан мурожаат қилган шахсларга расмийлаштириб берилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти 2030 йил 1 январдан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

**– ID-картага қандай маълумотлар киритилади?**

– Жорий этиладиган ID-картага шахснинг биометрик маълумотлари, шахсий идентификация рақами, ID-карта серия рақами, берилган вақти, жойи ва амал қилиш муддати, фуқаронинг шахсий имзоси киритилиши режалаштирилган.

**– ID-карта биометрик паспортга қараганда яна қандай афзалликларга эга?**

Биометрик паспорт буклет кўринишда бўлиб, ўлчами ID-картадан катта, олиб юришга ноқулай. Паспортдаги бетларга фуқароларнинг доимий яшаш ёки вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинганлиги, никоҳ тузилганлиги ҳақида ва бошқа белгилар, штамплар киритилар эди. ID-картада эса ушбу маълумотлар тегишли идоралар маълумотлар базалари орқали автоматлаштирилган ҳолда юритилади. Бундан ташқари, ID-картадан фойдаланиш, уни олиб юриш ҳам қулай.

**«Postda» мухбири**
**Бобомурод ТОШЕВ**
**суҳбатлашди.**

ҲАЛОЛЛИКНИ ШИОР ҚИЛГАН ХОДИМЛАР

# ФУҚАРО ТУМАН ИИБ БОШЛИҒИГА ПОРА БЕРМОҚЧИ БЎЛДИ...

Самарқанд вилояти ИИБ Ахборот хизматининг хабар беришича, жорий йилнинг 28 сентябрь куни Пахтачи тумани ИИБ ЖҚБ тезкор ходимлари томонидан тумандаги Тараққиёт маҳалласида яшовчи 6 нафар фуқаро «Қора кўтон» маъданли майдонида таркибида олтин моддаси бўлган тошларни ноқонуний равишда қазиб олишга ҳаракат қилаётган вақтида ушланади. Улардан 1 дона электр қувватлантиргич, 1 дона ер қазиш мосламаси, тош солиш учун мўлжалланган қоплар ва давлат рақам белгиси бўлмаган «УАЗ» русумли автомашина тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинади.

Шундан сўнг «уддабурон» йигитлардан бирининг отаси, 1968 йилда туғилган фуқаро Х.С. фарзанди ва маҳалладошларига қонуний тартибда чора кўрилмаслик ва ҳужжатлаштириб олинган ашёвий далилларни қайтариб бериш эвазига туман ИИБ бошлиғига 6 миллион сўм миқдоридаги пулни пора сифатида таклиф этади.

Ҳолат юзасидан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилди. Тадбир давомида фуқаро Х.С. туман ИИБ бошлиғига 6 миллион сўм миқдоридаги пулни пора тариқасида бераётган вақтида қўлга олинди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан прокуратура органлари томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

ДАВРА СУҲБАТИ

# ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармасида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида соҳа фахрийлари билан давра суҳбати бўлиб ўтди.**




Тадбирни ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондони ўринбосари, полковник Даврон Ашуров очиб, ҳар қандай соҳа ривожида устоз-мураббийларнинг, фахрийларнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг ИИВ Фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги генерал-майор Ҳабибулло Ҳожиматов, Қоровул қўшинлари Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Тоҳир Соатов, аъзолари истеъфодаги подполковник Аъзамхон Эшонқулов, истеъфодаги майор Ҳамид Аҳмедов ўзларининг ҳаёти ва хизмати давомида орттирган бой билим, кўникма ҳамда тажрибаларидан келиб чиқиб, ҳарбий хизматчиларга қимматли маслаҳатларини беришди. Шунингдек, сержантлар ва оддий аскарларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.



«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаровнинг чиқиши ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Давра суҳбати якунида соҳада узоқ йиллар самарали хизмат қилган фахрийларга ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондонлигининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. ИИВ Қоровул қўшинлари ансамбли томонидан тайёрланган концерт дастури тадбирга ўзгача шукуҳ бахш этди.

**Абу КЕНЖАЕВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

КИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

# «КРИСТА» ЎЗ ИШИНИ УДДАЛАДИ

**Вилоят ИИБга Денов туманидаги Жаматак маҳалласида яшовчи Б.А. уйида гиёҳванд модда сақлаётгани ҳақида хабар келди. Дарҳол вилоят ИИБ ТЭҚКБ ходимлари томонидан ушбу хонадонда махсус тадбир ўтказилиши белгиланди.**

**Тадбирда ходимларга кинолог Ш.Тўхтаев билан бирга, унинг «Криста» лақабли хизмат ити ҳам ҳамроҳлик қилди. Чунки унинг кўмагисиз уй эгаси минг бир тугунга тугиб, беркитган гиёҳвандлик моддасини топиш мушкул бўларди-да.**

**Айтиш жоизки, «Криста» ўз ишини аъло даражада уддалади. Унинг ёрдами билан Б.А.нинг томорқасида 4 туп наша гиёҳвандлик ўсимлиги экилгани аниқланди, уй ичидаги жавон ичидан эса 26,27 грамм миқдоридаги қуритилган марихуана гиёҳвандлик моддаси топилди...**





– Вилоятимиз ҳудудида 64 та хизмат ити жиноятларни фош этишда ходимларимизга яқиндан кўмак бериб келяпти, – дейди вилоят ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси кинология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, подполковник Нарзулла Исаев. – Уларнинг 19 таси немис, 39 таси эса Шарқий Европа овчаркаси, қолганлари лабрадор, Бельгия овчаркаси, рус спаниели каби зотдор итлар. Уларга тажрибали кинолог ходимлар ис олиш, қурол ва гиёҳванд моддаларни излаб топиш каби ҳаракатларни ўргатишмоқда.

Ҳозирда вилоятда 4 та туманлараро кинология гуруҳи ташкил этилган бўлиб, улар Термиз, Шеробод, Денов ҳамда Қумқўрғон туманлари ҳудудларида жойлашган. Хусусан, Термиз туманида жойлашган питомникда хизмат итлари учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда фельдшерлик бўлими, машғулотлар майдонлари, ошхона, синфхона, дам олиш ва ювиниш хоналари мавжуд. Ходимлар бўш пайтларида турли мавзудаги адабиётларни ўқиб, билимларини оширишлари мумкин. Қолган туманларда ҳам ана шундай шароитли питомниклар қурилиши кўзда тутилган.

Итлар тилсиз, онгсиз жонзот бўлса-да, улар жуда ақлли. Мисол учун, жиноят содир этилган жойда уларнинг ёрдами билан жиноятчининг ҳаракат йўналиши аниқ белгиланади ва тахминларга ўрин қолмайди. Ўтган давр мобайнида ҳудудда 68 ҳолатда гиёҳвандлик моддаси билан боғлиқ жиноят очилган бўлса, уларнинг 36 таси хизмат итлари ёрдамида амалга оширилди. 60 та ўғирлик жинояти «иссиқ изида» фош этилди.



Дарвоқе, тўрт оёқли кўмакчиларни ҳақиқий изқуварга айлантириш сизу биз ўйлаганчалик осон иш эмас. Тасаввур қилинг: «тур» ёки «ёт» деган ишорага ўргатиш учун қанча машаққат, сабр-матонат керак бўлади кишига. Шу боис ҳам вилоят ички ишлар органлари кинология хизмати ходимларининг бу борадаги машаққатли меҳнатини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жумладан, катта сержант Фурқат Эшмўминов, сафдорлар Рустам Турсунов, Шавкат Мирзаевлар ўзларининг бой тажрибаси билан ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келишмоқда. Улар республика миқёсида ўтказилган кўпкураш мусобақаларида фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритишган.

Кинолог ходимлар режага мувофиқ ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси махсус тайёргарлик ўқув марказида 4 ой давомида ўқиб, малакасини оширмоқда. Шу йилнинг ўзида 5 нафар кинолог ушбу марказда таҳсил олиб, қўшимча билим ва кўникмага эга бўлиб қайтди.

Бугун замон тараққийлашди, техник воситалар мукаммаллашди. Ҳар бир соҳада ўзига хос босқичлар босиб ўтилди. Бироқ янги технологиялар даврида ихтиро қилинган бирорта восита хизмат итлари ўрнини боса олганича йўқ. Шундай экан, ҳамиша содиқ ва ҳушёр бу ақлли жонзотлар ички ишлар органлари ходимларига ҳали кўп хизмат қилади.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ЗНАЧЕНИЕ ТРАДИЦИИ НАСТАВНИЧЕСТВА В ПОДГОТОВКЕ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ КАДРОВ

**(1 октября – День учителей и наставников)**

**Институт наставничества в органах внутренних дел – важнейший элемент обучения и воспитания молодых специалистов, направленный на формирование достойного нравственного облика сотрудников с высоким сознанием общественного долга, чувством ответственности за порученное дело, способствующий их профессиональному и духовному росту.**

Традиция наставничества в органах внутренних дел значима тем, что она обеспечивает преемственность опыта работы, успешность адаптации молодых сотрудников к службе, ускорение процесса профессионального становления и развитие у них способности самостоятельно и эффективно выполнять возложенные оперативно-служебные задачи.

Результативность наставнической деятельности во многом зависит от личности и авторитета наставника, его компетентности, профессионализма, принципиальности, высокой требовательности к себе и другим.

Став наставником, сотрудник ОВД заново оценивает свое поведение, свою работу, так как с этого момента он отвечает не только за себя, но и за молодого коллегу. Без этого воспитание, даже при самой четкой и педагогически правильно продуманной системе мероприятий, не даст должного эффекта.

В постановлении Президента Республики Узбекистан от 29 ноября 2017 г. «О мерах по коренному совершенствованию порядка работы с кадрами органов внутренних дел и организации их службы» институту наставничества уделено особое внимание.

В соответствии с документом, сотруднику, вступившему на службу, назначается предварительный испытательный срок и за ним закрепляется наставник. Согласно установленному порядку, наставники подбираются из числа наиболее опытных сотрудников, прослуживших по специальности не менее пяти лет, имеющих высокие профессиональные качества, положительные показатели по службе. Кроме того, наставник должен обладать педагогическими навыками, способностью устанавливать и поддерживать психологический контакт, результативно применять методы воспитательной работы.

За наставниками закрепляются, как правило, не более одного сотрудника офицерского состава, до трех сотрудников сержантского состава, до пяти – рядового состава.

Детально система и содержание наставнической работы в ОВД отражены в Положении о наставничестве в органах внутренних дел Республики Узбекистан.

На наставников, наряду с формированием и развитием у сотрудника профессиональных знаний, навыков, умений, возлагаются задачи, связанные с воспитанием у подопечного личностных качеств и служебного поведения, соответствующих профессионально-этическим стандартам, стимулированием активной гражданской и жизненной позиции.











В наставнической деятельности рекомендуется комплексно использовать такие методы изучения личностных качеств сотрудника, как биографический, ознакомительная беседа, наблюдение, обобщение независимых характеристик, психологическое тестирование. Изучение личности подшефного служит основой для проведения с ним индивидуально-воспитательной работы, выбора наиболее эффективных форм, средств и методов воспитательного воздействия.

В процессе работы пристальное внимание необходимо уделять изучению молодым сотрудником требований нормативно-правовых актов, регламентирующих исполнение должностных обязанностей.

Наставник должен учитывать, что одним из ключевых моментов его деятельности должна стать выработка у молодого сотрудника потребности в саморазвитии и самообразовании, так как это способствует стремлению к овладению всеми тонкостями профессии и самосовершенствованию в ней, создает перспективу личностного роста.

Необходимо отметить, что указанные задачи наставничества реализуются в тесном взаимодействии наставников, сотрудников подразделений по организации воспитательной работы, психологического обеспечения, профессиональной подготовки, представителей общественных формирований и ветеранских организаций.

**Абдумутал ЗАКУРЛАЕВ,**
**доктор юридических наук, доцент**
**Специализированного филиала**
**Ташкентского государственного**
**юридического университета,**
**полковник в отставке.**

ЁШЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ

# ЎЗИМИЗНИНГ ЎРОЛБЕК

**Ўролбек биринчи иш кунини яхши эслайди. Туман Ички ишлар бўлимида кутиб олган майор унинг ҳужжатлари билан танишаркан: «Зоминданмисан, бу ер чўл, жазирамага кўникишингга тўғри келади», деганди. Кейин қайси фанларни ёқтириши, спортнинг қай тури билан шуғуллангани билан қизиқди. Дунёда рўй бераётган воқеалар ҳақида суриштирган бўлди, шунингдек, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик кодексларининг айрим моддалари бўйича савол бериб, қонун ҳужжатларидан хабардорлигини синовдан ўтказди.**

**Майорнинг юз ифодасидан 190 сантиметрни бўйлаб турган янги ходимнинг жавобларидан қониққанлиги яққол сезилди. Эртаси куни тонгда ўтказилган йиғинда Ўролбек Абдуазимов шахсий таркибга таништирилди. Шу тариқа, лейтенант Жиззах вилояти Арнасой тумани ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш гуруҳи инспектори лавозимида хизматни бошлади. Шу тариқа унинг болалик орзуси ушалганди.**




1996 йилда Зомин туманининг Ўрол қишлоғида туғилиб ўсган Ўролбек мактабда ўқиб юрган кезлариёқ ички ишлар органлари ходими бўлишни ният қилганди. Унинг соҳага бўлган қизиқишига детектив фильмлар турткi бўлди. Айни мақсадда спорт билан шуғулланди, ИИВ Академиясига киришида асқатиши мумкин бўлган фанларга эътиборини кучайтирди. Шу илинжда Урганч ҳарбий академик лицейида таълим олди.

Ўрта махсус ўқув муассасасини тамомлагач, ИИВ академиясига ҳужжат топширди. Аммо имтиҳонлардан ўта олмади. Шундан сўнг яна бир йил тайёрланди. 2016 йилда омади чопиб, Академия курсантлари сафидан жой олди. Бу хабарни эшитган отаси Хайрулла муаллимнинг боши осмонга етганди, онаси Дилафрўз аянинг кўзларини эса қувонч ёшлари тўлдирди.

Ўролбек фанларни чуқур ўзлаштиришга интилди, амалиётлар давомида билимини иш жараёнида татбиқ этишга астойдил ҳаракат қилди. Энди булар ҳаммаси ички ишлар органларидаги фаолияти давомида қўл келаётир. Яна шуни тушундики, тажриба бўлмаса, билимнинг ўзи камлик қиларкан. Чунки ички ишлар органлари ходими қарийб ҳар куни муаммоли вазиятларга ечим топиши керак. Қолаверса, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган шахслар билан тез-тез юзлашишга тўғри келади. Бу эса алоҳида кўникма, махсус тайёргарлик, мустаҳкам ирода ва кучли руҳиятни тақозо этади. Шу маънода, Ўролбек тажрибали ходимларнинг этагидан маҳкам тутган.

Хизмат вазифасидан келиб чиқиб, туман ҳудудидаги ўқув муассасалари, ёшларга алоқадор жамоат ташкилотлари, ҳокимлик ҳамда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди. Дарс қолдирадиган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказди. Ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўйган вояга етмаганларга ўқитувчилар ва маҳалла фаолларидан мураббийлар бириктирилишига эришди. Пандемия шароитида эса бундай ёшлар улғаяётган оилалардан тез-тез хабар олиб турди.

– Бизнинг Ўролбек шахсий таркибимиздаги энг фаол ёш ходимлардан бири, – дейди Арнасой тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор Анвар Пиримқулов. – Айтиш жоиз, у вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш гуруҳи инспекторлигига тайинланганидан сўнг, бир йилдан ошиқ вақт давомида вояга етмаганлар иштирокида бирорта ҳам жиноят қайд этилмади. Бу даврда профилактик ҳисобда турган 23 нафар вояга етмагандан 19 нафари рўйхатдан чиқарилди. Уларнинг қайта қонунбузарлик содир этмасликларига ишонч билдирилди. Албатта, бу кўрсаткич замирида бир қатор соҳа вакилларининг меҳнатлари, хусусан, лейтенант Ўролбек Абдуазимовнинг хизмати мужассам. Билимли, ўз устида ишлаб чарчамайдиган ёш ҳамкасбимизнинг ютуқларига вазифасига масъулият билан ёндашиши, интизом ва қонунийликни устувор билиши сабаб, десам, адашмайман. Унинг ҳали кўп муваффақиятларга эришишига ишонаман.

Айтиш жоизки, лейтенант Ўролбек Абдуазимовнинг фидокорона хизмати ўз ўрнида муносиб баҳосини олаётир. Чунончи, у вазирлик, вилоят ИИБ, Арнасой туман ИИБ ҳамда ҳокимлик ва жамоат ташкилотларининг 9 та фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалари билан тақдирланган.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

МУЛОҲАЗА

# «БАНКОМАТ» ТАРБИЯ

**– Ойижон, нега ҳамма пулни сўрамай оляпти? Боғча опам айтгандилар, бировнинг нарсасини сўроқсиз олиш одобсизлик, кейин ўғриликка киради-ку?**

Шундоқ кўча муюлишидаги банкоматдан пул нақдлаштириб олиш учун навбатда турган она ва боланинг суҳбати кўпчиликнинг эътиборини тортди. Кимдир «жуда қақажон экан», дея мийиғида кулса, яна бошқаси «Бўладиган бола бошидан», дея ҳавас билан боқди, биров «балли, болам», деб ажабланишини яширмади. Аёл фарзандининг саволига навбати келгунича пластик картада маоши борлиги, уни банкомат ёрдамида нақдлаштириш зарурати ва бунинг одобсизлигу ўғриликка мутлақо алоқаси йўқлигини эринмай тушунтириб берди. Онасининг гапларини мунчоқ кўзларини юммай, жон қулоғи билан тинглаган болакай «Унда супермаркетдан ширинлик оламиз-а, ойижон. Ахир маош олган куним «сникерс» олиб бераман дегандингиз-ку» , деди болаларча соддалик билан. Сонияларда содир бўлган бу воқеа кимлар учундир оддий ҳолдир. Аммо унда бир инсон умри давомида сабоқ бўлиши мумкин бўлган ибрат бор...

Болажонларнинг серсавол бўлишини биламиз. Аммо юқорида келтирганимиздек, онанинг фарзандининг ҳар бир фикрини эътибордан четда қолдирмай, унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини бойитиши таҳсинга сазовор. Нега дейсизми? Биринчи навбатда, қизиқишлари ўлароқ, юзага қалққан саволга ҳеч қандай тақиқсиз жавоб олган болагина яна савол беради. Иккинчидан, акси бўлса, унда боланинг қизиқишлари кўз ўнгида содир бўлган воқеалар ривожи билан чегараланиб қолади.

Ўғрилик оддий тилда айтадиган бўлсак, ўзида борига қаноат қилмай, бировникига кўз олайтириш ёки бўлмаса, эгри йўл билан йўқдан бор қилиш. Бунда «қаҳрамон» танланган йўлнинг «таърифи» вазиятга қараб турлича бўлиши мумкин. Яъни, кимдир тўғридан-тўғри бировнинг чўнтагига чўчимай қўл солса, яна кимдир «лабиринт режа»си билан иш кўради. Аллақайсилар эса яқинини ишга солса, кимнингдир қўли қон...



Хўш, бу йўлга кириб қолишнинг сабаби нимада? Бунга йўқчилик, етишмовчилик сабаб деганлар фикрини дангасалик ва ишёқмаслик деб ўзгартиришини маслаҳат берган бўлардик. Чунки излаган имкон, истамаган баҳона топади. Аммо бунда энг биринчи эътибор бериладиган жиҳат болага кичиклигидан тўғри тарбия бериш баробарида, уни ташқи муҳитдаги турли таъсирлардан ҳимоя қилишдир. Агар эътибор берсак, ўғрилик биргина инсоннинг қора нияти билан содир этилган ҳоллар нисбатан кам учрайди. Яна бир томони «кўплашиб қилинган иш» кимларнинг наздида «баракали» бўлса, кимлар учундир «бебарака». Хуллас, бизнинг асл мақсадимиз ўғриликнинг турларини эмас, унинг сабабларини ўрганиб, олдини олиш учун нима қилиш кераклиги ҳақида икки оғиз фикрлашиш.

Бунда яна ўша «инсон онги» деган тушунчага қайтишга тўғри келади. Одамда бу бировнинг нарсаси, буни сўроқсиз, билдирмай олсам, бу ўғриликка киради, деган тушунча қачон пайдо бўлади? Қачонки, айнан ўғриликнинг ёмон иллат эканлиги ҳақидаги тушунча одамнинг онгида тўғри талқин этилсагина. Инсон дунёга ўғри бўлиб келмайди. У борлиқни англаб вояга етади, улғаяди. Энди бунда қанчалик тўғри идрок қилиш, ҳар кимнинг ўз қўлида. Демак, яхшиям, ёмон ҳам, ўғриям, тўғриям орамизда, керак бўлса, уларни тарбиялаётган ҳам ўзимиз.

– Кўчамизга қатиқ сотувчи келди, дея ёзади ҳамкасбимиз Мақсуд Жонихонов. – Коляскада чақалоқ, ёнида 5–6 ёшлардаги қизчаси. Бонкалар коляска тагига жойлаштирилган. Бир бонка қатиқ беш минг сўм экан. Шу пайт онаси ҳам, қизча ҳам қўшниларнинг дарвозасини тақиллатгани кетишди. Мен секин билдирмай коляска чўнтагига ўн минг солдим. Яна бир бонка қатиқ олиб, қизчанинг қўлига беш минг бердим. Эртасига улар яна келишди. Мабодо сиз адашиб пул бермадингизми, ҳисоб китобимиздан ўн минг сўм ортиқча чиқаяпти, дейишди.

Титраб кетдим. Дунёни гўзаллик эмас, ҳалоллик қутқарса керак... Ўғриликка тўғрилик ва ҳалоллик ибратдир. Теледастурда бир ўғрилик тафсилотлари очиқланар экан. Майда ўғриликдан кейин миллионларни «қайириш» ...нафс балоси... ҳақида ҳикоя қилинди. Балки бу борада одобсизликдан ўғриликкача «қадам» босиш қанчалик тўғри эканлигини ўйлаш, фикрлаш ва хулоса чиқаришда «банкомат тарбия» сингари ҳолатлар ижобий таъсир этар. Чунки тарбияда ортиқча гапнинг ўзи йўқ. Фақат биз бундан юз бурмасак, бас.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

БОҚИЙ ҚАДРИЯТ

**Юртимиз рақс санъатида «Лазги» ўзига хос ижро услуби ва жозибаси билан алоҳида аҳамият касб этади Айниқса, жўшқин оҳангларга мос жозибадор рақсда халқимизга хос бўлган самимият ва қалбларга завқ-шавқ улашувчи сеҳрли куч бор.**

**2019 йил 12 декабрь куни ЮНЕСКОнинг Богота шаҳри (Колумбия)да бўлиб ўтган йиғилишида «Хоразм лазги рақси»ни бир овоздан репрезентатив рўйхатга киритиш ҳақида қарор қабул қилингани унинг нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам машҳур эканлигининг исботи бўлди.**



# Раҳматжон ҚУРБОНОВ: МЕН БИЛГАН «ЛАЗГИ» БИТТА

***Раҳматжон Қурбонов 1959 йилда Хива шаҳрида таваллуд топган. У илк мусиқий сабоқни болалигида отасидан олди. Шунингдек, мамлакатимизнинг энг таниқли санъаткорлари, адиблари, шоирлари доимий меҳмон бўлган оила даврасида янграган куй-қўшиқлар ҳам унинг учун ижод мактаби вазифасини ўтади.***

***Йиллар ўтиб, Раҳматжон Қурбонов санъатда ўзининг муносиб ўрнини топди. Юртимизда унинг қўшиқлари кириб бормаган хонадон йўқ. Устоз Комилжон Отаниёзовга ҳавас қилиб, «Лазги» каби умрбоқий қўшиқ яратиш орзусида бўлган санъаткорнинг «Хеваки» қўшиғи бу мақсаднинг рўёби бўлди.***

***Узоқ йиллар Тошкент шаҳрида самарали фаолият юритган Р. Қурбонов «Лазги» ансамблига раҳбарлик қилган йилларда Хоразм мумтоз қўшиқлари, рақслари юртимиз ҳамда дунё узра янада кенг тараннум этилди. У ўзбек мумтоз санъати, буюк санъаткорларимизнинг ибратли ва унутилмас ҳаёти, уларнинг ўзига хос ижро услуби, халқ ижодиёти дурдоналари ҳақидаги бир неча рисолалар, китоблар, ўқув қўлланмаларининг муаллифидир.***

***Халқимизнинг севимли санъаткори, жўшқин овоз соҳиби, таниқли ҳофиз Раҳматжон Қурбонов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист», «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонлари ҳамда «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.***

***Устоз санъаткор ҳозирда Ўзбекистон давлат филармониясининг Хоразм вилояти бўлинмаси директори вазифасида фаолият юритмоқда.***

**Президентимизнинг 2020 йил 28 сентябрдаги «Лазги» халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорида ўзбек рақс санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллаган «Хоразм лазги рақси»нинг асрий анъаналарини сақлаш, ривожлантириш мақсадида «Лазги» халқаро рақс фестивалини муносиб тарзда ўтказиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.**

Юртимизда «Лазги»нинг оташин оҳангларини ширали овози билан тўлдириб, ўзининг бетакрор ижроси билан халқимиз қалбидан жой олган устоз санъаткорлар кўп. Оташнафас ҳофизлардан бири, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов билан «Хоразм лазги рақси»нинг тарихи, ўзига хослиги ва ҳаётбахшлиги ҳақида суҳбатлашдик.

**– Хоразм мусиқа санъати ўзига хос куй-қўшиқлари, рақслари билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса, «Лазги»нинг шўх жаранги каттаю кичикка бирдек хуш кайфият бағишлаб, кўнгилга ёруғлик олиб киради.**

– Дарҳақиқат, «Лазги»ни куйлаганда ҳам, рақс тушганда ҳам инсонда ҳаётга иштиёқ кучаяди. Мусиқий «Лазги» ўзи бир дона, лекин унинг дутор, сурнай ва кейинчалик ансамбль йўллари ҳам ривожланган. «Лазги» қайси мусиқий асбобда янграмасин, ундаги жозибадорлик ўзгармайди. «Лазги» куйининг тўртинчи кўриниши эса унга сўз боғлаб куйланишидир.

Қолаверса, «Лазги» мусиқаси унинг рақси билан гўзалдир. «Лазги» куйи ва рақсининг моҳир ижрочиларидан бири Юсуф Жаббор устозимиз берган маълумотларга кўра, «Лазги» куйининг бошланиши рез, яъни усулсиз бир товушни ушлаш билан унинг оҳангини чиқариб, рез бериш билан боғлиқ жараён. Устоз санъаткор Комилжон Отаниёзов рез қисмига ўзи сўз қўшиб, ритм қисмидаги сўзларни Комил Хоразмий шеърларидан олиб, «Лазги» ашуласини яратган.

Шунингдек, Хоразмда «Лазги»нинг гармон талқини ҳам яратилган. Йиллар ўтиши билан уни турли сўзлар билан мадҳ этиш бошланди ва ҳар бир машҳур ҳофиз томонидан ижро этиладиган турлича талқинлари пайдо бўлди.

**– «Лазги»нинг мусиқий оҳангларини ўзига хос тарзда тўлдириш ҳақида нималар дея оласиз?**

– «Лазги» рақси бир қарашда шунчаки кўтаринки кайфият, завқ улашаётгандек кўринади. Агар аҳамият бериб қаралса,



рақсдаги ҳар бир ҳаракатда маъно уйғунлиги, ўзига хос гармония акс этади. Рақснинг рез қисмида одамзодга жон кириши билан боғлиқ ҳаракатлар гавдаланади. Яъни, олдин унинг бармоқлари қимирлаб, худдики жон кираётгандай ҳаракатлар ҳосил қилинади. Кейин жон панжага ўтади, сўнгра ритм билан билакларга ўтади, кейин эса жон кириши ритм билан давом қилган ҳолда, елкаларга ўтиб бутун танага ёйилади. «Лазги»да намоён бўладиган бу кетма-кетликдаги ҳаракатлар бирон-бир балетмейстр ёки устоз томонидан қўйилган эмас. Унинг ҳаётбахшлиги ҳам айнан халқ ижросида такомиллашиб борганидадир.



**– Бугун санъатдаги миллий меросимизга, айнан «Лазги»га замонавий ёндашувга қандай муносабатдасиз?**

– Умуман, санъатга замонавий ёндашувга қарши эмасман. Зеро, давр билан ҳамқадам бўлиш яхши натижаларга олиб келиши шубҳасиздир. Аммо «Лазги»нинг тўққизта тури борлигини исбот этаман, деб тарихий қиймати юқори бўлган мусиқий мероснинг бошқа куй-қўшиқларга қориштириб ижро этилишини, унга путур етишини истамайман. Балким, тўққизта «Лазги» рақс йўли бордир. Лекин мен билган «Лазги» бир дона. Унинг сурнайда, дуторда, гармонда, торда, ансамблда ва ашула йўлида ижро қилинганлиги ва ҳар асбобга хос талқин этилишини асло «Лазги»нинг сонига сон қўшади, деб тушунмаслигимиз керак.

**– Президентимизнинг 2022 йилдан бошлаб, Хивада ҳар икки йилда бир марта «Лазги» халқаро рақс фестивали ҳамда унинг доирасида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилиши тўғрисидаги қароридан кейин кўнглингиздан нималар кечди?**

– «Лазги» халқаро рақс фестивали ўтказилиши ҳақидаги хабарни ўқиганимдаги қувончимни таърифлаб беролмасам керак. Бу, энг аввало, умрбоқий санъатимизнинг асрий анъаналарини асрашга қаратилган алоҳида эътибор. Унинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу дунё тан олган ўзбек санъатининг ўзига хос тарғиботидир. Санъатнинг миллатлараро дўстликка ва ҳамжиҳатликка ундовчи восита эканлигининг ёрқин исботидир.

Аслида, ўзга миллат куйи, қўшиғи ёки рақсини шунчаки ўрганиб бўлмайди. Шу жумладан, бизнинг «Лазги»ни ҳам. Қолаверса, санъат ўта синчковлик ва зеҳн, қобилият ва маҳорат талаб қилинадиган мардлар майдони. Унда арзимаган камчилик яққол кўзга ташланади. Шундай экан, мазкур халқаро рақс фестивалида ўз ижросида «Лазги»нинг ҳақиқий жўшқинлигини намойиш этаман, деган иштирокчи борки, юртимиз тарихи, миллий қадриятларимиз, санъатимизни катта қизиқиш билан ўрганади. Бу эса, ўз навбатида, халқаро маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Зеро, санъат бирдамлик ва инсонийлик кўпригидир.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!**

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА суҳбатлашди.**

# ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

## РАБОЧАЯ ВСТРЕЧА С КИТАЙСКИМИ КОЛЛЕГАМИ

В рамках международного сотрудничества Национальной гвардии Республики Узбекистан состоялась рабочая встреча с военным атташе Китайской Народной Республики в Узбекистане старшим полковником Сюй Чанчжи и его помощником полковником Ду Хундэ.

На встрече было подчеркнуто, что тесные двусторонние связи Узбекистана и Китая развиваются во всех сферах на основе дружбы и взаимного доверия. Партнерство между Национальной гвардией Узбекистана и Народной вооруженной милицией Китая созвучно положениям Шанхайской организации сотрудничества, а также инициативе «Один пояс, один путь».

Стороны обменялись мнениями о текущем состоянии и перспективах углубления сотрудничества.

По итогам мероприятия достигнута договоренность об инициировании проработки вопроса проведения Национальной гвардией Республики Узбекистан и Народной вооруженной милицией КНР совместных учений, практических занятий, осуществлении визитов по обмену опытом, расширении взаимодействия между ведомственными образовательными учреждениями.

Старший полковник Сюй Чанчжи от имени главнокомандующего Народной вооруженной милиции Китая генерал-полковника Ван Нина выразил признательность командующему Национальной гвардией Узбекистана генерал-майору Р. Джураеву за искренние поздравления в связи с днем создания Народной вооруженной милиции КНР. Китайской стороной было отмечено, что она придает большое значение развитию и дальнейшему укреплению установившихся плодотворных отношений с Национальной гвардией Узбекистана.





## ВРУЧЕНЫ НАГРАДЫ

Большой группе военнослужащих и сотрудников Национальной гвардии Республики Узбекистан, проявивших самоотверженность в противодействии распространению коронавирусной инфекции, внесших существенный вклад в устранение последствий стихийных бедствий и чрезвычайных ситуаций, поддержание мира и спокойствия в нашем государстве, в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан вручены нагрудные знаки «Меҳр-саховат».

В торжественных мероприятиях, на которых чествовались награжденные, принимали участие ответственные должностные лица управлений Национальной гвардии, подразделений Службы охраны, хокимиятов, государственных и общественных организаций.





## ПЕРВЕНСТВО ПО РУКОПАШНОМУ БОЮ

На базе спортивной школы единоборств города Самарканда прошло областное первенство по рукопашному бою между командами правоохранительных органов ФСО «Динамо». В состязаниях в составе шести команд принимали участие 50 спортсменов.

По итогам соревнований в общекомандном зачете победу одержали спортсмены Управления внутренних дел, второе место – за командой Управления Национальной гвардии, третье место заняли представители военного округа.

Победителям вручены специальные дипломы и памятные подарки.







## ПОСЕЩЕНИЕ ИСТОРИЧЕСКОЙ ДОСТОПРИМЕЧАТЕЛЬНОСТИ

Управлением Национальной гвардии по Хорезмской области в целях обеспечения культурного досуга военнослужащих и сотрудников, повышения их духовного потенциала организовано посещение исторической достопримечательности Хивы – Ичан-Калы.

Участники мероприятия ознакомились с древними крепостными сооружениями города-заповедника, мавзолеями и минаретами, воздвигнутыми в период Хивинского ханства, получили от специалистов-историков подробную информацию о них.

## В ЦЕЛЯХ СОХРАНЕНИЯ ЗДОРОВЬЯ ГРАЖДАН

В Ферганской области в целях предотвращения распространения коронавирусной инфекции, сохранения здоровья граждан военнослужащими Национальной гвардии и ГИСЭН были организованы совместные рейды в торговые центры и на территории дехканских рынков.

В ходе мероприятий, проведенных в городе Фергане, предупреждены 856 граждан, в отношении ранее предупрежденных в установленном порядке 144 лиц составлены протоколы в соответствии со ст. 54 КоАО.

Уважаемые сограждане! Ситуация с пандемией коронавируса остается напряженной. Просим не предаваться беспечности, придерживаться правил социального дистанцирования, носить маски, регулярно пользоваться антисептическими средствами.

Помните: вы несете ответственность за свое здоровье и здоровье близких!



Материалы полосы подготовила рядовая Нафосат ЗАФАРОВА.

НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

# ЗА САМООТВЕРЖЕННУЮ СЛУЖБУ



**Сотрудники органов внутренних дел выполняют ответственные задачи по обеспечению безопасности граждан, борьбе с преступностью и ее профилактике. Их самоотверженная служба достойно оценивается государством.**



**Инспектор ДПС Управления безопасности дорожного движения УВД Навоийской области младший сержант Ботирали Куванов. Награжден медалью «Шухрат».**

Указом Президента Республики Узбекистан за вклад в дело обеспечения мира и стабильности в стране, укрепление общественного порядка младший сержант Ботирали Куванов награжден медалью «Шухрат».

Родился Ботирали в 1980 году в Карманинском районе. С юношеских лет он мечтал посвятить себя профессии стража правопорядка и настойчиво шел к поставленной цели.

В 2003 году Б. Куванов был принят в ряды сотрудников органов внутренних дел. И с тех пор вот уже в течение 17 лет добросовестно несет службу, проявляя высокую ответственность, профессионализм.

С 2018 года младший сержант Куванов работает в должности инспектора третьей мобильной группы ДПС Управления безопасности дорожного движения УВД Навоийской области, образцово выполняя задачи по осуществлению распорядительно-регулировочной деятельности, надзору за дорожным движением, предупреждению ДТП.




С начала года сотрудником установлено 853 случая нарушения правил дорожного движения, 242 из которых – грубые, выявлено 23 гражданина, управлявших транспортным средством в нетрезвом состоянии.

Коллеги уважают Ботирали Куванова за прямолинейность, честность и принципиальность. О таких как он говорят – обладает твердой жизненной позицией, настоящий страж правопорядка.

– Высокая государственная награда, – подчеркивает младший сержант Ботирали Куванов, – обязывает служить во имя Родины, ее благополучия с еще большим усердием, прилагая все свои силы, знания и опыт.

**Дилрабо АБДУХАМИДОВА.**
*Навоийская область.*

СПОРТ



# СОСТЯЗАНИЕ ВЕЛОГОНЩИЦ

**Руководством УВД Бухарской области особое внимание уделяется развитию женского спорта.**

Недавно для женщин-сотрудниц подразделений областного Управления был организован веломарафон на дистанцию 3,5 километра.

Состязания проходили в духе острой и непримиримой борьбы. Первое место в соревнованиях заняла сотрудница колонии по исполнению наказания № 20 Дилдора Шамсиева, второе место – медсестра госпиталя Медицинского отдела областного УВД Дилноза Остонова, третье место присуждено старшему инспектору по вопросам женщин ОПП ОВД Жондорского района лейтенанту Мунире Рахимовой и старшему инспектору по вопросам женщин ОПП ОВД Алатского района лейтенанту Шахнозе Ибодовой. Также были определены победительницы в номинациях «Лучший велоспортсмен», «Почетный велоспортсмен», «За стремление к победе».

Велогонщицы награждены дипломами, медалями и памятными подарками.

**Шахноза САФАРОВА, подполковник.**
*Бухарская область.*



АСПЕКТ ПРОФИЛАКТИКИ

# БАЗА ДАННЫХ НЕ ДАСТ СОЛГАТЬ

**Инспектора профилактики Самаркандской области начали использовать специальные планшеты для фиксации нарушений в онлайн-режиме.**

Гаджет помогает сотрудникам фиксировать нарушение, даже если злоумышленник пытается ввести в заблуждение стража закона.

– Планшет имеет доступ к базе данных МВД РУз – информационному сервису оперативно-справочного управления, где хранятся основные сведения о гражданах республики, – рассказывает начальник отдела профилактики УВД Самаркандской области капитан Дилмурод Курбонов. – Если раньше при задержании нарушители часто скрывали свои данные, называя выдуманное имя и фамилию, то теперь это сделать практически невозможно. Необходимые сведения находятся в единой базе данных, их можно получить по отпечатку пальцев, если человек получал биометрический или загранпаспорт.



Не менее удобным является специальное приложение ejarima, позволяющее уточнить, есть ли у гражданина административные нарушения, и в зависимости от того, повторное оно или нет, наложить штраф. Данное приложение оснащено функциями поиска информации о нарушениях ПДД по фоторадарам и видеорегистраторам, калькулятором штрафов.

Под пристальным вниманием инспекторов профилактики теперь находится и неправильная парковка автомобилей. Блюстителю порядка достаточно подойти и сфотографировать на планшет автомобиль, оставленный под знаком «Остановка запрещена», и с помощью специальной программы указать номер авто. Система автоматически отправит данные на сервер. Квитанция для оплаты штрафа в короткий срок будет отправлена владельцу авто по месту жительства. Приложение IMB позволяет по госномеру машины определить владельца. Статистика свидетельствует, что ежедневно каждый инспектор профилактики заполняет в среднем по четыре электронных протокола. Конечно, их количество зависит от региона и состояния криминогенной обстановки.

По мнению инспектора профилактики махалли Сиёбча г. Самарканда старшего лейтенанта Хасана Каримова, использование планшета облегчило их труд. Электронная база стала лучшим подспорьем в поиске лиц, находящихся в розыске.

Внедрение в нашу жизнь новых технологий, несомненно, позволяет минимизировать человеческий фактор и бумажную волокиту.

**Замира БАЛТАЕВА, корреспондент «На посту». Фото автора.**
*Самаркандская область.*

# BOLALAR SAHIFASI

## BOLANGIZGA KITOB O‘QIB BERING

▪ Bola miyasining 90 foizi besh yoshga qadar rivojlanadi. Shu davrda bolaga kitob o‘qib berish miya rivojlanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

▪ Uch yoshli bolaning so‘z boyligiga qarab, u 3-sinfda «O‘qish»dan necha baho olishini oldindan bilsa bo‘ladi.

▪ Kuniga 15 daqiqa davomida bolaga kitob o‘qib berilsa, u bir yil mobaynida bir millionga yaqin yangi so‘zni eshitgan bo‘ladi.



▪ Birinchi sinf kitoblarini o‘qiy olmagan bola, keyinchalik 4-sinf kitoblarini ham o‘qiy olmaydi.

▪ Maktabgacha yoshdagi bolalar ko‘p kitob o‘qigan bo‘lsa, ular 1-sinfga qadar boshqalarga nisbatan tezroq alifbeni o‘rganadi, 20 gacha sanab, o‘z ismini yoza oladi.

▪ Bolaning maktab yoshigacha bo‘lgan davrida ota-onasi bilan kitob o‘qishi, uning maktab davrida kitobga qiziquvchanligi oshishiga olib keladi.

▪ Yoshligidan kitob o‘qishga odatlangan bolada til nuqsonlari, nutqidagi qiyinchiliklar kam namoyon bo‘ladi.

▪ O‘qish boshqalarning hissiyotlarini tushunishga yordam beradi.

▪ Kitobdan olingan ma’lumot televizor, internet va radiodan qabul qilinganlardan ko‘ra ko‘proq miyaga ijobiy ta’sir qiladi. Undan tashqari, kitob o‘qish zehnni charxlab, bolaning diqqatini bir joyga jamlash qobiliyatini kuchaytiradi.

▪ Statistikaning ko‘rsatishicha, maktabgacha yoshdagi bolalarga ota-ona kitob o‘qib bersa, kitobga bo‘lgan qiziqish darajasi yuz foiz bo‘ladi.

▪ Bolaga kitobni ishtiyoq bilan o‘qib berish, keyinchalik unda kitobga mehr uyg‘onishiga olib keladi.

▪ Televizordagi «lug‘at»dan ko‘ra, kitob matnidagi «lug‘at» ikki barobar ko‘pdir.

## TEZ AYTISH

Ko‘k daftarda ko‘p ko‘k kaptar.

* * *

Qo‘ng‘iroq qo‘g‘irchoqnikimi, qo‘zichoqnikimi?

* * *

Turg‘un to‘rtta to‘rg‘ayni to‘rga tushirdi.

## LATIFALAR

Maktabda ustoz so‘radi:

— Uyimizni nega toza tutishimiz kerak ekan?

O‘quvchilar javob berdi:

— To‘satdan mehmon kelib qoladi. Shuning uchun!

* * *

O‘qituvchi fasllar haqida gapirarkan, o‘quvchilardan so‘rabdi:

— Olma uzishga qaysi vaqt qulay?

— Bog‘bonning iti bog‘langan vaqt eng qulay.

## QALAM QANDAY YASALADI?

Har qanday daraxt ham sifatli qalam uchun asos bo‘lolmaydi. Qalamni ishlab chiqarish uchun jo‘ka, qarag‘ay, qandag‘och yog‘ochidan foydalaniladi. Biroq kedr qarag‘ayidan tayyorlangan qalamlar eng sifatlisi sanaladi. Qalamlarni ishlab chiqarishda jahon sanoatida boshqa sifatli xomashyo – jelutong tropik daraxtining yog‘ochi ham mashhurdir.

Kulrang va oddiy qora qalamlar o‘zagi turli qalinlikka ega grafitdan iborat. Rangli qalamlarda esa grafit bo‘lmaydi. Ularning o‘zagi bo‘yoq moddalar, loy va ularni birlashtiruvchi tarkibiy qismlardan tashkil topadi.

## MOHIR QO‘LLAR

Oltin kuz ham kirib keldi. Ona tabiatimizdagi daraxtlar bargi sariq, qizil tusga kirib, ajoyib manzara hosil qiladi. Oyoqlar ostida tovlanib, o‘ynoqlab tushayotgan oltindek barglarni bosishga-da ko‘zing qiymaydi. Beixtiyor ularni yig‘ib, nimadir yasashga kirishadi, kishi. Barglardan, ayniqsa, bolajonlar uchun betakror ijodiy namunalar yasab, ko‘tarinki kayfiyat ulashish mumkin. Bu borada biz quyidagilarni tavsiya etamiz. Qolgani o‘z mahoratingizga bog‘liq. Unutmang, ijodiy ishlarni farzandingiz bilan birga bajaring.









## QO‘YLAR OG‘ILXONAGA YETIB BORISHI UCHUN YO‘LNI KO‘RSATING



## PAXTA

Chanoqlarda
Oppoq paxta
Kulib turar,
Qanday baxt-a!

Erkalanib
Tebranadi,
Yal-yal yonib
Tovlanadi.

– Rahmat senga,
Bobo dehqon.
Uyding bizdan
Ulkan xirmon.

Mehnatingdan
Oltin bo‘ldik,
Chanoqlarda
Lim-lim to‘ldik.

**A. ZIYOMAT**

## RANGLI QALAMLAR YORDAMIDA BO‘YANG



Sahifa materiallarini Adolat FAYZIYEVA tayyorladi.

ГИЁҲВАНДЛИК – УМР ЗАВОЛИ

# «КЕЧИРОЛСАНГ, КЕЧИР МЕНИ, ҚИЗИМ...»

**МУРАББОЛИ ЧОЙ ИЧКИСИ КЕЛГАНДИ...**

Мунира ҳовлини наридан бери супуриб, шошганча ертўлага кирди. Отасининг қўли гул. Ертўланинг деворлари бўйлаб тахтадан қават-қават бежирим токчалар ясаган. Мураббolar турадиган токчани Мунира кўзини юмиб ҳам топа олади. Мана – беҳи, ўрик, анжир, олча мурабболари қатор-қатор турибди.

Қиз ярим литрлик банкадаги олча мураббосини эндигина оламан деб қўл узатганида, елим тоғорачага солинган гугуртларга кўзи тушди. «Бу ерда гугурт нима қиляпти?» деб улардан биттасини олганди, назарида жуда енгил туюлди. Очиб қараса, ўткир ҳидли аллақандай гиёҳ тўлдирилган экан.

«Отам наша чекишни ташладим, деб мени алдаган эканлар-да. Мен бўлсам ишониб юрибман», деди Мунира пичирлаб, кейин ўтирволиб юм-юм йиғлашга тушди. Қайсидир лаҳзада «Йиғидан фойда йўқ. Ҳаракат қилишим керак. Нима қилиб бўлса ҳам, отамни бу балодан қутқаришим керак. Майли, аввалига мендан хафа бўлса ҳам, кейин тушунади», деган ўй хаёлидан ўтди.

Мунира гугурт қутисини кафтида маҳкам сиққанча ҳовлига чиқди. Қараса, ишдан қайтган отаси меҳмонхонада телевизор томоша қиляпти. Унга билдирмай, апил-тапил кийимларини алмаштириб, гугуртни сумкасига солиб, ички ишлар бўлимига йўл олди. Навбатчига учраб, гап нимадалигини айтди...

**КУТИЛМАГАН ҚЎНҒИРОҚ**

... Кечки соат 17.00 ларда эшик қўнғироғи чалинди. «Қизим уйдайди. Хотиним билан ўғлимнинг ишдан келишига ҳали бор. Ким бўлди экан?» деб Турдимурод ака эшикни очди-ю, остонада ички ишлар органи ходимлари турганлигини кўриб, бошидан товонигача зириллаб кетди. Улардан бири ҳужжатини кўрсатиб, ўзини таништириб, «Уйингизда ноқонуний буюмлар йўқми?» деб сўраганида, уларни ертўлага бошлаб кирди. Мураббо банкалари ёнида турган гугурт қутиларига тўла елим тоғорачани ҳалиги ходимга узатди.

...Турдимурод ака илк бор 2008 йилда наша чекканди. Ҳаммаси шунчаки эрмакдан бошланганди. Бир куни даладан ўтиб кетаётганида, ғовлаб ётган ёввойи наша бутасига кўзи тушди. Беихтиёр унинг баргидан бир ҳовучини олиб келиб, қуритиб, чекиб кўрди. Кейин яна ва яна бу ҳол такрорланди.

Охири уйидагилар нима гаплигини пайқаб қолишди. Айниқса, эркатой қизи Мунира қаттиқ куюнди. «Отажон, умрингизни нега хазон қиляпсиз? Ҳеч бўлмаса, бизларни ўйланг. Одамлар мени орқаворатдан фалончи нашаванднинг қизи дейишса




майлими?» деди мўлтираб. Бу гапдан Турдимурод ака уялиб кетди. «Бўлди, она қизим, шу бугундан бу одатимни ташладим», деди қатъий қилиб.

Лекин нашанинг хумори тутганда, сўзида туролмади. Фақат энди оила аъзоларига сездирмаслик учун қоровуллик сменасида кечаси ҳеч ким йўқлигида чекарди. Қанча ҳаракат қилмасин, нашавандликни ташлашнинг уддасидан чиқа олмади. Сўнгги пайтларда ўзи ҳам шу дарддан қутулиш ниятида бирор-бир шифокорга кўриниб, ёрдам, маслаҳат сўрасамми, деб юрувди...

Ички ишлар бўлимида Мунирага кўзи тушиб, ҳамма гапни тушунди. Ходимларнинг каттакони «Қизингиздан хафа бўлманг» деганида, «Қизимдан эмас, ўзимдан хафаман», деди. Судда ҳам шу гапини такрорлади. Бундан буён минбаъд наша чекмаслигини айтиб, енгилроқ жазо беришларини илтимос қилди.

**СУД ЗАЛИДА**

Турдимурод акага жазо тайинлашда суд унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олди. Шунинг учун унга озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди. Бундан ташқари, наркология диспансерининг далолатномасига асосланиб, унга нисбатан яшаш жойи бўйича гиёҳвандлик хасталигидан мажбурий равишда даволаниш чораларини белгилади.

Ҳали суд залидан чиқишмасданоқ Мунира отасининг бўйнига осилиб йиғлаб юборди. У нуқул «Мени кечиринг, отажон, сизни ўйлаб шундай қилдим!» деб такрорларди. Отаси унинг пешонасидан ўпиб: «Кечиролсанг, сен мени кечир, қизим. Энди шу одатимни албатта ташлайман. Эртаданоқ даволанишга ётаман. Ўзимнинг ҳам жонимга тегиб кетганди», деди қатъий қилиб.

**Қаҳрамон МИРСАФАЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди судьяси.**
**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИДА

# ПСИХОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

## унинг маънавий муҳитни соғломлаштиришдаги ўрни

**Айтиш жоизки, ички ишлар органлари ходимларининг хизмат жараёни юқори зўриқишлар, стрессли вазиятлар ва ўз ҳаётини хавф остига қолдириш билан боғлиқ. Шунинг учун тизимда психология фанининг ютуқларидан ва илғор тажрибалардан фойдаланилсагина, шахсий таркибнинг белгиланган вазифаларини бажаришларида ижобий натижаларга эришиш муҳимдир. Шу сабабли ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини тўлақонли ва сифатли бажариши, турли стрессли ва қалтис вазиятларда ўзини тўғри бошқара олиши ҳамда мақбул қарор қабул қилиши учун мунтазам равишда психолог-мутахассислар иштирокида ўқув-тренинглар ташкиллаштириляпти. Бу эса ходимнинг, авваламбор, ахлоқий-руҳий тайёргарлиги, иродаси бақувватлиги ва турли стрессли вазиятларга чидамлилигини таъминлайди.**

2010 йилдан бошлаб ички ишлар органлари тизимида психологик таъминлаш гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Улар ходимларнинг ички ишлар органлари тизимига хизматга киришидан токи пенсияга чиққунга қадар босиб ўтган йўлини психологик томондан кузатиб, уни қўллаб-қувватлаб боришади. Шунингдек, ёш ходимнинг хизматга мослашиш жараёнига кўмаклашишдан тортиб, унинг раҳбар бўлиб етишиши, касбий ўсиши ва турли қалтис вазиятларда ўзини бошқара олиши, тўғри қарор қабул қилишига кўмаклашишади.

ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси тасарруфидаги жазони ижро этиш муассасаларида ҳам кадрлар гуруҳи катта психологи лавозими жорий қилинган. Шунингдек, муассасаларда руҳий енгиллаштириш хонаси ташкиллаштирилган ҳамда зарур замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Бу хона кишига руҳий ҳордиқ беради. Масалан, кайфият бузилиб, толиққан пайтларда махсус мусиқа тинглаб, чиройли гуллар ва чизилган расмларга қараб, бир зумда руҳингиз енгиллашади, барча дилхираликларни унутасиз.

Психологлар ўз режасига асосан, соҳа ходимлари билан навбатма-навбат суҳбат олиб боради. Улар ходимларнинг хизмат қилишга қай даражада тайёрлиги, муаммоси мавжуд ёки йўқлигини аниқлайди. Бундан ташқари, ҳар бир соҳавий хизмат бўлинмаларига бориб, ўша ердаги маънавий-руҳий муҳитни ўрганади ва раҳбариятга ўз хулосаларини тақдим этади.

Шунингдек, ҳар бир ходимга индивидуал ёндашган ҳолда, ички потенциалини юзага чиқариш ва унинг кучли томонларини намоён қилиш, ривожлантиришга кўмаклашиляпти. Улар ўртасида тўғри муносабатларни шакллантириб, хизмат ва оилавий-маиший муаммоларни ўрганишмоқда. Ходимларнинг руҳий тайёргарлигини ошириш, турли стрессли вазиятларга мослашиш қобилиятини ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий, маънавий қарашларини давр талабига мос равишда ўстириш бўйича психологик-тарбиявий тадбирларни ташкиллаштириб келишмоқда.



Тизимда хизмат қилаётган ходимларнинг яшаш уйларига бориб, ота-оналари ва турмуш ўртоқлари билан ўтказилаётган суҳбатлар келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни эрта аниқлаш, бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилашда қўл келмоқда. Бундан ташқари, мутахассис-психологлар томонидан шахсий таркиб ўртасида маънавий-руҳий муҳит ва ходимларнинг ўзаро ҳамда жазо муддатини ўтаётган шахсларга бўлган муносабатларини ўрганиш мақсадида аноним сўровномалар ўтказиб бориш кенг йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, психологлар ходимларнинг руҳий зўриқишлари, стресс ҳолатларининг олдини олиш, жамоадаги маънавий-руҳий муҳитни яхшилашга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Руҳий енгиллик хонасида мароқли ҳордиқ чиқариш учун яратилган шароитлар эса соҳа ходимларини турли салбий ҳиссиётлардан халос қилиб, ўз хизмат вазифасини бажаришда бор куч ва ғайратини сафарбар этишга ундайди.

**Шаҳризод ШОКИРОВ,**
**лейтенант.**

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши истеъфодаги полковник

**Машарип САИТМУРАТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Postda На посту

ЗДОРОВЬЕ

# Профилактика сезонных заболеваний у детей

**«Увлеченные» коронавирусом, мы забыли о таких сезонных детских болезнях, как грипп, ОРЗ и ОРВИ. А между тем они никуда не делись.**

Правило нынешней жизни – избегать мест скопления людей – относится и к профилактике гриппа и ОРВИ. Но когда находитесь в замкнутом пространстве, чаще проветривайте, так как в условиях застойного воздуха инфекции распространяются с неимоверной скоростью.

Серьезную помощь в укреплении организма оказывают поливитамины, гомеопатические средства, которые можно принимать только после согласования с врачом. Если вы намереваетесь поддержать иммунитет ребенка, обязательно проконсультируйтесь с педиатром.

В некоторых случаях может потребоваться изучение иммунного статуса, особенно если малыш часто болеет простудными и инфекционными заболеваниями. В любом случае в период эпидемии можно пропить пару курсов растительных препаратов: экстрактов женьшеня, элеутерококка, настойку эхинацеи. Их принимают согласно инструкции: один раз в день, утром. Не помешают также витаминный компот из шиповника или ягод, богатых витамином С (клюква, черная смородина). В чай ребенку можно добавлять «холодное» варенье – протертые с сахаром ягоды, которые стоит заготовить летом. Не бойтесь переборщить, суточная доза витамина С настолько велика, что съесть больше положенного просто не получится.





Полоскание рта настоем ромашки, шалфея, зверобоя, ароматерапия и влажная уборка в квартире, сделанная не с помощью бытовой химии, а с настоем из трав, – благоприятно скажутся на здоровье всех членов семьи. Если ребенок не был в прямом контакте с больным человеком, то для него достаточной мерой будет промывание слизистой носа, полоскание рта и горла теплой кипяченой водой.



**Рано ЗАРИПОВА,**
**врач-педиатр поликлиники Медицинского отдела УВД Андижанской области.**

Малышей, которые сильно и часто болеют, обычно отправляют на специфические анализы крови, с помощью которых определяется их иммунный статус. Очень важно после сдачи анализов пройти осмотр у отоларинголога, стоматолога и нефролога. Вполне возможно, что у ребенка есть очаг хронической инфекции, который необходимо вылечить, тогда следующая зима пройдет для него гораздо легче.

При первых признаках заболевания (насморк, кашель, резь в горле, слезотечение, частое чихание и пр.) стоит предпринять меры до прихода врача. Для горла – ингаляции с отваром противовоспалительных трав (зверобой, шалфей, эвкалипт, прополис, ромашка). Если нет ингалятора, можно заменить его обычной резиновой грелкой. Для носа – промывание теплой водой с небольшим количеством соли, при сильной заложенности – сосудосуживающие препараты. Для ушей – теплый компресс с прополисом (можно обойтись ватными турундочками, смоченными в очень теплом настое).



# МАССАЖ СТОП – ПРИЯТНАЯ ОЗДОРАВЛИВАЮЩАЯ ПРОЦЕДУРА



**Самомассаж весьма полезен, так как активизирует различные важные точки организма.**

Стопа держит наше тело и состоит из большого числа костей, мышц и суставов, связанных со всем организмом. Массируя рефлекторные точки, мы усиливаем кровообращение во внутренних органах и фактически прорабатываем все наше тело. Также на стопе расположены зоны, отвечающие за поток лимфы.

Однако прежде чем приступать к массажу, напомним, он имеет противопоказания: инфекционные заболевания с повышенной температурой тела, опухоли, варикозное расширение вен, различные воспаления суставов стопы (в этом случае можно массировать только рефлексогенные зоны, не касаясь суставов). Также нежелательно массировать подкожные уплотнения, грибковые поражения, родимые пятна.

Массаж стоп делают перед сном.

Важно поесть не позже, чем за час до начала процедуры, а после нее уже не касаться воды. Если на ногах есть омертвевшая кожа, ее следует очистить. Для процедуры используем немного подогретое массажное масло.

Разминаем стопы по очереди, растирая подошву от пятки к пальцам и обратно. Растираем и покручиваем каждый палец. Нажимаем несколько раз на стопу с боков. Далее массируем рефлекторные зоны, надавливая и растирая. После точечного массажа желательно погладить стопу. А затем взять расслабленную ступню рукой и разработать суставы.

Особое внимание уделяем пяткам. Кладем правую ладонь на стопу сверху, берем ее покрепче, левую руку заводим под пятку. Мягко тянем ее на себя и пару раз поворачиваем стопу в обе стороны. И, оставляя левую руку в предыдущем положении, указательным и большим пальцем правой руки пощипываем внешние края пятки по кругу. Затем небольшими круговыми движениями большого пальца массируем ее основание.

Длительность массажа – не более 5 минут, но каждый день или через день.



При регулярном проведении процедура станет отличным средством от бессонницы. С помощью массажа стоп можно улучшить кровообращение, питание кожи, снять напряжение, отеки ног и синдром хронической усталости. К массажу стоп прибегают при расстройствах пищеварительного тракта, ОРЗ, заболеваниях конечностей, плохом выведении жидкости из организма, нарушении сердцебиения, мигрени, невралгии и стрессах.

**Подготовлено по материалам интернета.**

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

ПОЗДРАВЛЕНИЕ

# С Днем учителей и наставников!

Профессия учителя – одна самых сложных. Труд педагога – это желание и готовность помочь людям раскрыть способности, таланты, найти свой путь в жизни. Когда ученики поступают в образовательные учреждения, именно преподаватели становятся проводниками в новом мире знаний. Они открывают новые горизонты, расширяют мировоззрение, прививают навыки, делятся опытом, помогают найти правильные жизненные ориентиры.

День учителей и наставников – замечательный праздник. В этот день мы выражаем благодарность нашим педагогам за их непростой и благородный труд, за внимание и терпение, за желание видеть нас, своих учеников, успешными и счастливыми.

В День учителей и наставников в образовательных учреждениях нашей страны царит по-особенному праздничная атмосфера. Все учащиеся нарядные, с букетами цветов и поздравительными открытками в руках. Звучит много теплых и искренних слов в адрес учителей и наставников. В этот день ученики стараются порадовать учителей своим прилежанием в учебе, а также праздничными сценками и самодеятельными выступлениями.

В Узбекистане отношение к учителям и наставникам всегда было особым. И сегодня людей этой профессии безмерно уважают, ценят их труд и самоотверженную заботу о подрастающем поколении.

*Учитель, труд достойный твой*
*Сегодня будем прославлять.*
*Ты учишь думать, рассуждать,*
*От дел своих не отступать.*
*Спасибо хочется сказать*
*За все, чему ты научил.*
*Хочу удачи пожелать,*
*Добра, терпения и сил!*

С праздником, уважаемые учителя и наставники!

**Хасан ИБРАГИМОВ,**
**преподаватель Наманганского академического лицея МВД Республики Узбекистан.**

ТОЧКА ЗРЕНИЯ

# ИЗУЧЕНИЕ ЯЗЫКОВ – ЧАСТЬ ДУХОВНОЙ ЖИЗНИ УЗБЕКСКОГО НАРОДА

**В век стремительного развития экономических, культурных и духовных связей нашей страны с другими государствами перед каждым из нас встают определенные задачи. Одна из них – изучение иностранных языков, в том числе русского.**

Узбекистан имеет дипломатические и дружеские отношения со странами, в которых большинство населения понимает этот язык и говорит на нем. Такие международные организации, как ООН, ВОЗ, ШОС, СНГ и др. используют его в качестве одного из официальных языков.

Изучая русский язык, можно познать и русскую культуру.

В одном из своих выступлений Президент Шавкат Мирзиёев отметил: «Великая русская культура всегда была и будет неотъемлемой частью духовной жизни узбекского общества. С целью более широкого приобщения населения, прежде всего молодежи, к лучшим произведениям русской литературы мы планируем издать на узбекском языке 100-томное собрание «Шедевры русской классики».

Сегодня перед преподавателями русского языка, работающими в онлайн-формате, стоит задача – сформировать интерес у учащихся к изучаемому предмету, найти инновационные методы, подойти к преподаванию творчески. Для достижения наилучшего результата разрабатываются новейшие методы, обеспечивающие развитие речевых навыков и умений, используются технологии интерактивного обучения. Каждый урок должен быть интересным, увлекательным, побуждать к активному участию в учебном процессе. Для этого во время урока организуется индивидуальная и групповая деятельность, работа с различными источниками информации, проводятся игры, конкурсы, предлагаются творческие задания.



Великий философ и ученый Абу Наср Фараби знал порядка 70 языков. Это должно быть стимулом для каждого из нас!

**Пулат БОЗОРОВ,**
**преподаватель Сурхандарьинского академического лицея МВД Республики Узбекистан.**

## В ТЕМУ













# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ
## (с 5 по 11 октября)

**Овен.** Контролировать свои эмоции вам сейчас просто необходимо. Держите себя в руках на работе, общаясь с коллегами. В начале недели ждет романтическое знакомство. Однако будьте аккуратны: избранник может оказаться не тем, за кого себя выдает.

**Телец.** Проблемы, которые давно вас тяготили, наконец-то начнут исчезать. Вам даже не понадобится ничего делать. О личной жизни пока не распространяйтесь. А вот рабочими планами лучше поделиться, желательно с начальством.

**Близнецы.** Ждут перемены со знаком плюс! Вы давно к ним стремились и теперь со спокойной душой можете пожинать плоды. В финансовых вопросах будете чувствовать себя асом, однако это не убережет вас от непредвиденных трат. Старайтесь меньше думать о себе и больше – о других.

**Рак.** Вас замучают сомнения по поводу ранее принятых решений. Старые знакомые ворвутся в вашу жизнь столь неожиданно, что вы даже не успеете ничего предпринять. Однако придется налаживать утраченные связи. Будьте внимательны к здоровью: велик риск заболеть.

**Лев.** Пришло время избавиться от всего лишнего. На работе перемен не ожидается. Сейчас вы можете неадекватно относиться к критике, но к некоторым замечаниям все же стоит прислушаться.

**Дева.** Ваша педантичность может сыграть злую шутку. Внимательно следите за питанием: набрать лишние кило сейчас просто. На выходных ждите новостей. Скорее всего, они будут положительными и порадуют вас.

**Весы.** Единственное, что будет мешать на этой неделе, – ваша неорганизованность. Везде будете не успевать, а иногда даже опаздывать. В выходные дни займитесь чем-нибудь для души. К детям должно быть повышенное внимание: у них непростой период.

**Скорпион.** От того, насколько вы будете уделять внимание мелочам, зависит ваш успех. Приглядитесь к людям, которые находятся рядом. Среди них есть те, которые могут дать хороший совет. Родственники подкинут проблемы. Придется решать!

**Стрелец.** Хлопот сейчас будет много. В этот период нежелательны длительные поездки. Некоторых Стрельцов ждет смена работы на более перспективную. Не держитесь за старое, попытайтесь открыть для себя новые горизонты.

**Козерог.** Проведите ревизию гардероба. Давно пора приобрести то, что поможет обратить на вас внимание окружающих. Этот период может показаться скучным, но вы сами сможете его разнообразить.

**Водолей.** Друзья помогут раскрыть таланты. А вот в вопросах денег на знакомых лучше не рассчитывать. Тратьте меньше, в долг не берите. В конце рабочей недели вы можете почувствовать накатившую усталость, но уже в выходные она сменится позитивным настроем.

**Рыбы.** Если в ближайшую неделю вы забудете о лени и отдыхе, вас ждут грандиозные успехи! Карьера однозначно пойдет вверх. Не рекомендуется совершать любые сделки с недвижимостью: могут возникнуть проблемы. Зато для шопинга это идеальное время.



Эркин ВОҲИДОВ

## ТЎКИСЛИК

*Бутликка не етсин,*
*Камликдан кўра,*
*Инсон тўкис бўлиб юргани яхши.*
*Лекин Яратгандан бир бахтни сўра,*
*Нимангдир етмасдан тургани яхши.*

*Шукрона дилингга ошно бўлсин-у,*
*Армоним йўқ, десанг, хато бўлади.*
*Дунёнинг энг кўҳна фалсафаси бу:*
*Орзу ўлса, ҳаёт адо бўлади.*

ТАДБИР

# ИЛИҚ ТААССУРОТ, УНУТИЛМАС ХОТИРА

**ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондонлигида ташкил этилган маърифий тадбир бу гал ўзгача тус олди. Тадбирнинг биринчи қисмида кенг майдонда иш бошлаган китоб ярмаркаси кўпчиликни ўзига оҳанрабодек тортди. Айниқса, бир йиллик муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга ярмарка жуда манзур бўлди.**

– Бу ерда хизматни яхши ўтаб, келгусида олий ўқув юртида ўқиш ниятидаман. Шу сабабли бўш вақтимда имтиҳонларга тайёрланаяпман. Китоб ярмаркасидан зарур адабиётларни сотиб олдим. Топилмаганини буюртма қилдим, олиб келиб беришадиган бўлди, – дейди оддий аскар Бекзод Тошбоев.

Китоб ярмаркаси ниҳоясига етгач, бир талай китобни қўлига тутган ҳарбийлар маърифат залида жам бўлишди. Бу ерда Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши раиси З. Саъдуллаев ва бошқалар ёш ҳарбий хизматчилар билан учрашиб, очиқ мулоқот ўтказишди. Уларнинг мақсадлари, интилишлари билан қизиқишди. Ўз навбатида, ёш ҳарбийлар ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.





– Ҳарбий бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди, – деди З. Саъдуллаев. – Шу маънода сизларга ҳавасим келади. Лекин бу билан тўхтаб қолмаслик керак. Олдингизга катта-катта мақсадларни қўйинг. «Бир йилдан кейин, беш йилдан кейин ким бўламан, қандай марраларни забт этаман?» деб ўзингизга савол беринг. Асло ўрганишдан, билим олишдан, олға интилишдан тўхтаманг.

Тадбир сўнгида ҳарбий қисм жанговар гуруҳи кўргазмали чиқишларини намойиш этиб, иштирокчилар олқишига сазовор бўлди. Бир сўз билан айтганда, тадбир барчага манзур бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

Термиз халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш алоҳида батальонида Термиз шаҳар ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда сайёр қабул ташкил этилди. Унда батальон ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларини қийнаётган муаммолар ўрганилди.

– Асосан имтиёзли кредит асосида уй-жой олиш масаласи кўтарилди, – дейди Термиз шаҳар ҳарбий прокурори ўринбосари, адлия подполковниги Сардорбек Ёрматов. – Албатта, ҳарбий хизматчиларга уй-жойлар ҳарбий қисм бўйича тузилган махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилган ҳолда берилади. Бугунги мурожаатлар ҳам белгиланган тартибда рўйхатга олиниб, комиссия билан кенгашган ҳолда талабгорлар рўйхатга киритилади.

Сайёр қабул баҳонасида Термиз шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан меҳнат ярмаркаси ҳам ўтказилди. Унда батальон хизматчиларининг ишсиз оила аъзоларига 556 та бўш иш ўрни таклиф этилди.

Тадбир доирасида ҳарбий қисм ҳовлисида китоб ярмаркасининг ташкил этилгани ҳам айни муддао бўлди. Китоб ярмаркаси расталаридан болалар адабиётидан тортиб мумтоз жаҳон адабиёти дурдоналаригача ўрин олди. Китобсевар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўзларининг севимли китобларини харид қилишди. Бошқача айтганда, ҳарбий қисм томонидан ташкил этилган китоб ярмаркаси кўпчилик ҳарбий хизматчиларнинг уйига нур олиб кирадиган бўлди.

Дарвоқе, ҳарбий қурол-аслаҳалар кўргазмаси ҳам тадбирга ташриф буюрган болажонларда катта қизиқиш уйғотди. Қуролларни ўз кўзи билан кўриб, ушлаганча ҳайратини яшира олмаган болакайларнинг юрагида ота касби билан фахрланиш, келажакда Ватан ҳимоячиси бўлишдек орзулар ниш урган бўлса, ажаб эмас.

Карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ташкил этилган катта тадбир кўпчиликда ана шундай илиқ таассурот қолдирди.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*





Postda
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosari –
mayor Azizjon FAYZIYEV

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
katta leytenant
Mixli SAFAROV
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001.
Bank kodi 00420.
ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali.
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4342.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 851 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.